ОЖИСА
26 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 70 (20. 637) • 1990 йил 24 март, шанба • Баҳоси 3 тийин.

«Космос-2062» учирилди

1990 йил 22 март куни Совет Иттифоқида «Союз» учирувчи ракетаси ёрдамида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-2062» учирилди.

(ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СССР Президенти, СССР Президенти Кенгаши ва СССР Федерацияси Кенгашининг қароргоҳи тўғрисида

СССР Президенти, СССР Президенти Кенгаши ва СССР Федерацияси Кенгашининг қароргоҳи Москва шаҳрида, Кремлда бўлиши белгилаб қўйилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 21 март.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 23 март куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети XIX пленуми бўлиб ўтди. «КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари якунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси XXII съездини чақириш муддати, унинг кун тартиби ва унга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясига Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар тўғрисидаги таклифларни киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқди.

Доклад ва кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, «Узсельстройиндустрия» трести Термиз бинокорлик конструкциялари комбинатининг кранчиси Е. М Мордвинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг электр монтёри С. Ҳ. Ҳайитматов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев, ТошДУ кафедра мудири Л. П. Қаюмов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, пенсионер Ҳ. Ёқубжонова, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг муҳаррири А. Ғ. Мухторов, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдураҳмонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси масалалари ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов ахборот берди.

Муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Н. Р. Ражабовнинг аризаси кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг 1988 йил 19 октябрдаги ва 6 декабрдаги қарорларини асоссиз деб бекор қилганлигини эътиборга олиб, пленум Марказий Комитет XII пленумининг ўртоқ Н. Р. Ражабов хусусидаги 1988 йил 7 декабрь қарорини бекор қилди ва уни КПСС сафига, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг составига тиклади.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугаллади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

Литва ССР территориясида совет гражданлари ҳуқуқларини таъминлаш, ССР Иттифоқи суверенитетини муҳофаза этишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида

Литва ССР Олий Совети ва ҳукумати СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съездининг 1990 йил 15 мартдаги қарорига зид равишда, совет гражданлари ҳуқуқларини ва ССР Иттифоқи суверенитетини бузадиган қонун ҳужжатларини қабул қилишни давом эттирмоқдалар. Шу муносабат билан **қарор қиламан:**

1. СССР Министрлар Совети, Литва ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия ва фармойиш берувчи органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Литва ССР территориясида яшаётган ёки у ерда турган СССР гражданларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир СССР Конституцияси ва СССР қонунлари талабларига риоя этилишини таъминласинлар.

2. СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг чегара қўшинлари Литва ССР территорияси бўйлаб ўтадиган СССР Давлат чегараси қисмини муҳофаза этишни кучайтириш, СССР Давлат чегараси тўғрисидаги ССР Иттифоқи қонунларини бузадиган ғайри-қонуний хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш юзасидан зарур чора тадбирлар кўрсин.

3. Литва ССР территориясида СССР Министрлар Советининг «Ов милтиқларини сотиб олиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлашнинг ягона тартибини белгилаш тўғрисида»ги 1975 йил 23 июль 646-сон қарорининг амал қилиши вақтинча тўхтатиб қўйилсин, айни вақтда шу даврда республикада ўт очувчи қуроллар сотилиши тақиқлансин.

Литва ССР территориясида яшовчи гражданлар етти кунлик муддатда ички ишлар органларига ўзларида бўлган барча ўт очувчи қуроллар вақтинча сақлаш учун топширсинлар. СССР Ички ишлар министрлиги гражданлар бундай қуролни топширишдан бош тортган тақдирда уни олиб қўйишни таъминласин. СССР Мудофаа министрлиги гражданлардан тортиб олинган қуролларни ички ишлар органларидан қабул қилиб олсин ва унинг сақланишини таъминласин.

4. СССР Ташқи ишлар министрлиги ва СССР Ички ишлар министрлиги чет эл гражданлари Литва ССРга келишига визалар ва рухсатномалар берилиши устидан назоратни кучайтирсинлар. СССР Ички ишлар министрлиги, ССР Иттифоқи Прокуратураси Литва ССР территориясида турган чет эл гражданларининг СССРда чет эл гражданлари бўлиши қоидаларини бузишининг пайини қирқиш, «СССРда чет эл гражданларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ уларни чиқариб юборишгача бўлган зарур чора тадбирларни кўрсинлар.

5. Мазкур Фармон имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 21 март.

КПСС Марказий Комитети 1990 йил февраль ва март Пленумларининг якунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида

И. А. КАРИМОВ доклади

Ўртоқлар!

Партиямиз ва мамлакатимиз турмушида бениҳоя муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу йил февраль ва март ойларида бўлиб ўтган Пленумларида сиёсий система ислоҳотини янада ривожлантириш, партиянинг ўзини янгилашнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилди. Мамлакатда давлат ҳокимиятининг Президент бошқаруви каби дунёда ҳамма эътироф қилган шакли барпо этилганлиги энг муҳим қадам бўлди. Партиямизнинг раҳбари М. С. Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди.

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари, уларда принципиал сиёсий масалалар юзасидан бўлиб ўтган кенг кўламли мунозара партиянинг жамиятни, ўз турмуши ва фаолиятини ленинча халқчил қоидалар асосида тубдан янгилашга, кейинги вақтларда партия бўғинларининг қайта қуриш жараёнларидан орқада қола бошлаганини бартараф қилишга интилаётганидан далолат беради. Шу Пленумлар партиядаги аҳволни таҳлил этишга қатъият билан ёндашилганлиги, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ҳар бир коммунистга нисбатан талабчанлик қилинганлиги билан ажралиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг февраль ва март Пленумлари туб сиёсий тадбирларни амалга оширишга асос солди. Бу тадбирлар Пленумларда қабул қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури ва КПССнинг янги устави лойиҳаларида равшан баён этиб берилди.

Умуман бу ҳужжатлар партиянинг сиёсий назария ва сиёсий практиканинг сифат жиҳатдан янги поғонасига чиқиш муддаосини билдиради, унинг бундан буёнги турмуши ва фаолияти энг муҳим қоидаларини белгилайди. Айни вақтда улар съездолди мунозараси учун, КПССни янгилаш йўллари тўғрисида коммунистлар билан бемалол ва рўй-рост гаплашиш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

Партиянинг инсонпарвар, демократик социализм сари деган программавий иборасида ўз ифодасини топган социалистик принципларни ижодий қайта идрок этиш Ҳаракат дастурининг энг муҳим жиҳатидир. Яъни бизнинг олий мақсадимиз «умуман» социализм эмас, балки аввало инсонга хизмат қиладиган, унинг ҳуқуқлари ва шахсий қадр-қимматига, унинг хилма-хил манфаатларига хизмат қиладиган социализмдир. Бундай социализм принцип жиҳатдан ҳукмронлик-бюрократик системаси билан, шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларидаги бузилишлар билан айнан бир нарса қилиб кўрсатилган жўн ва сохта тимсолдан фарқ қилади.

Бизнинг бу масаладаги сиёсий позицияларимиз ҳам ғоят аниқ бўлиши керак. Айниқса, митингбозлик эҳтиросларини жазавасида муайян сиёсий кучлар социалистик ғоянинг ўзини инкор қилиш тўғрисидаги тезисни зўр бериб ўртага ташламоқдалар, уни инсон табиатига «мувофиқ келмайдиган» бир нарса деб, турмушдан ажралиб қолган назариётчиларнинг ҳаёлий режалари самараси деб эълон қилмоқдалар.

Биз бу гапларга қўшила олмаймиз. Марксизм-ленинизм асосчилари таърифлаб берган социалистик қадриятлар жамият ижтимоий-тарихий тараққиётининг қонуниятли натижаси бўлиб, унинг халқ тажрибасида ва соғлом ақл-идрокда, энг яхши турмуш ва ижтимоий адолат тўғрисидаги азалий орзуда чуқур илдизлари бор. Шу боисдан ҳам ҳар биримиз ҳар қандай муҳолифлар билан баҳсларда социалистик олий мақсадлар ва қоидаларни ҳимоя қилишга тайёр бўлишимиз керак. Аммо бу олий мақсад ва қоидалар бузилишлардан покланган, янги мазмун билан тўлдирилган, ленинча қиёфаси қайтадан тикланган мақсад ва қоидалар бўлиши лозим.

Бу — принципиал жиҳат. Айниқса, бизнинг кўпгина муҳолифларимиз, масалан, «Демократик ҳаракат дастури» деб аталган дастурнинг раҳбарларидан бири Ю. Афанасьев ҳокимият учун шиддатли курашда марксизм-ленинизмни ағдариб ташлашни ўз байроғи қилиб олганлиги учун ҳам шу гапни таъкидлаб ўтмоқ керак.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурининг партия иқтисодий ва ижтимоий сиёсати мазмунини ҳамда йўналишини белгилаб берадиган бўлимлари чуқур ва батафсил идрок этиб олиниши лозим. Буйруқбозлик системасининг, мулкчиликка ва бозор муносабатларига ибтидоий қарашнинг иқтисодиётга ҳалокатли таъсир ўтказганлигига Ўзбекистондаги социалистик қурилиш мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда).

Литва ССР Олий Советининг Раиси В. В. Ландсбергисга

Литва ССРдан келаётган ахборот республика территориясида чегара қўшинлари ва қисман ички ишлар органлари фаолиятининг ўрнини боснишга қаратилган ўлкани ҳимоя қилиш ташкилоти, деб аталган ташкилотга кўнгиллилар ёзилаётганлигидан далолат бермоқда.

Ана шу ва шунга ўхшаш ташкилотларни тузишга қаратилган барча ҳаракатларни тўхтатиш учун зудлик билан чоралар кўришни таклиф этаман. Таклифнинг ижроси тўғрисида икки кун мобайнида хабар қилишингизни сўрайман.

Сизнинг эътиборингизни яна шунга ҳам қаратаманки, Литва ССР Олий Совети кун тартибига киритилган «Давлатга қарши даъватлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ғайриқонуний бўлади, чунки давлатга қарши жиноят учун жавобгарликни белгилаш фақат ССР Иттифоқининг ҳуқуқ доирасига киради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Бугун Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси очилади

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутатларидан бир гуруҳи (чапдан ўнгга) — Сурхондарё вилоятининг Ангор ноҳиясидаги Куйбишев номли колхоз механизатори Жўра Бекнанов, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ноҳиясидаги Маржонбулоқ олтин бойитиш комбинати шофёри Абиер Баратов, Бухоро шаҳридаги илмий-текшириш устахонаси таъмирчиси Мубин Мўминов, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридаги «Ҳужум» фабрикаси тўқувчиси Зубайда Шарипова, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ноҳиясидаги Яккатут қишлоқ шифохонаси врачи Муҳибилла Мамадалиев, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ноҳиясидаги трактор-ремонт заводи мастери Нуриддин Воҳидов, Хоразм вилоятининг Хонқа ноҳиясидаги 288-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи Жуманиёз Йўлдошев, уруш ва меҳнат ветераналари Андижон вилояти кенгаши раиси Турсуной Каримова, Ю. А. Гагарин номли космонавтларни тайёрлаш маркази бошлиғи Владимир Жонибеков, Самарқанд вилоятининг Хатирчи ноҳиясидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи Актам Усмонов, Сирдарё вилоятининг Боёвут ноҳиясидаги «Боёвут» совхози партия ташкилоти секретари Абдуғофур Алимов, Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори Антонина Хлебушкина, Қорақалпоғистон автоном жумҳуриятининг Мўйноқ ноҳиясидаги «Память Ленина» колхози аъзоси Ўрдабой Ембергенов.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бугун, 24 март соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Халқ депутатларини рўйхатга олиш эрталаб соат 10 дан бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши бугун эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида ўтказилади.

И. А. КАРИМОВ доклади

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мамлакатни саноатлаштиришнинг дастлабки босқичида қатъий марказлаштириш, ҳукмронлик, буйруқ бериш, мулкни умумлаштириш халқ хўжалигининг янги тармоқларини вужудга келтиришга кўмаклашган бўлса, кейинчалик бу усуллар фан-техника тараққиёти йўлидаги тўсиққа айланиб қолди, номутаносибликни келтириб чиқарди, бу иллат ҳаддан ташқари кучайиб кетди. Иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилганлиги, пахта монополияси, одамлар ишлаб чиқариш воситаларидан ва ўз меҳнатининг натижаларидан четлаштириб қўйилганлиги республикани ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги асосий тўғаноқлардир. Республика Компартияси Марказий Комитети бундай вазиятни ўзгартириш чораларини кўрмоқда, сайловолди ҳаракат дастурида шу гапни айтдик. Бу соҳада инвестиция сиёсатини, ишлаб чиқариш структураси ва маданиятини ўзгартириш, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги устун соҳаларни оқилона белгилаш, иқтисодиётни аҳоли эҳтиёжлари сари буриб юбориш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ва маънавий соҳада мустақилликни мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинмоқда.

Бироқ ижобий силжишлар ҳаддан ташқари суст бормоқда ва ҳозирча амалий натижалар бермаяпти. Бунинг устига молия-хўжалик механизмининг мувозанати умуман бузилганлиги оқибатида айрим тармоқларда ривожланиш суръатлари пасаймоқда, аҳолини иш билан таъминлашдаги кескинлик давом этмоқда. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги пасайди, янги пул чиқариш ва иш ҳақининг илдам ўсишидан иборат салбий тенденция давом этмоқда. Аввало ижтимоий соҳадаги ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳам, аҳолининг ҳам даромадларини кўпайтириш соҳасидаги кўпгина масалалар ҳал этилмаяпти. Нарх-навонинг кўтарилиши, пулнинг қадрсизланиши тўхтатилгани йўқ. Деҳқончилик соҳасини ривожлантиришда муҳим силжишларга эришилмади.

Бу соҳада биз қандайдир алоҳида ҳолатда эмасмиз. Бу ҳодисалар бутун мамлакатнинг иқтисодиётига ҳам бирон-бир тарзда хосдир.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури бу таҳликали вазиятдан қутилиш йўлини таклиф қилмоқда, мамлакатда планли бозор иқтисодиётини барпо этиш йўллари ва усулларини белгилаб бермоқда. Хўжалик юритишнинг кўпдан-кўп шаклларини тан олиш, ишлаб чиқариш муносабатларини ва мулкчилик муносабатларини чуқур қайта қуриш принципиал жиҳатдан янги ва муҳим ҳодисадир.

Ижара ҳақидаги, мулкчилик тўғрисидаги қонунлар, ердан фойдаланиш ҳақидаги қонун асослари қабул этилди. Бу қонунларга иқтисодиётдаги туб ўзгаришнинг ҳуқуқий пойдевори деб алоҳида аҳамият берилаётганлиги асослидир. Бу қонунлар турли шароитларда, турли минтақаларда, республикаларнинг бошланғич тараққиёти турлича даражасида қандай амал қилиши эса — бошқа масала. Бу соҳада сиз билан биз ана шу қонунларни эътибор билан синчиклаб билиб олишимиз ва уларга нисбатан ўз муносабатимизни белгилашимиз, республиканинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, уларни қўлланиш миқёслари ва шакллари ҳақида ўйлаб кўришимиз керак.

Дарҳақиқат, бизнинг республикамизда ер ва мулкчилик тўғрисидаги қонунларни ўйламай-нетмай, шошқалоқлик билан жорий этаверса бўладими? Зеро республикамиздаги суғорма ерлар ва воҳалар чекланган, энг муҳими эса сув ресурслари етишмай турган бир шароитда қадим замонлардан буён ер ва сувга эгалик қилишнинг коллектив, жамоа шакллари мавжуд бўлиб келган. Бу эса ижтимоий ларзалардан, биродаркушлик можароларидан, хунрезликдан сақловчи кафолат бўлиб хизмат қилган.

Республика шароитида хусусий мулкчилик эҳтиросларини кучайиши мумкинлигини назарда тутмай туриб, янги қонунларни изоҳсиз жорий этаверса бўладими? Ҳозирнинг ўзидаёқ бизда, жумладан, Фарғона, Самарқанд, Бухоро областларида ер ва сувни деб ўнлаб низолар чиқиб турибдику, ахир. Турли норасмий ҳаракатлардаги сафсатабозларнинг қутқуси билан, маҳаллий ҳокимият органларининг ажабтовур лоқайдлиги ва ночорлиги шароитида юзлаб кишилар Марказий Комитетга келиб, кўпинча қўшниларнинг манфаатлари ҳисобига ўз масалаларини ҳал этиб беришни талаб қилмоқдалар. Вашарти, биз ўз хусусиятимизни эътиборга олмай, янги қонунларнинг нормативи қоидаларини ўз воқеалигимизга кўчирадиган бўлсак, унда нима бўлади?

Биз КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурининг программавий иқтисодий тезисларини республикамизда қандай қилиб рўёбга чиқариш ҳақида ҳаммамиз биргаликда обдон ўйлаб кўришимиз керак. Биз янги томорқалар ажратиб бериш ва шунга муҳтож бўлган барча қишлоқ оилаларининг томорқаларини кенгайтириш ҳақида қарор қабул этиб, чамаси, жумбоқнинг ечимини топгандек бўлдик. Бугунги кунгача 1,5 миллиондан ортиқ оила қўшимча ер олди. Бунга 150 минг гектардан кўпроқ суғорма ер ажратилди.

Афсуски, республикамизнинг ҳамма областлари, районларидаги ва хўжаликларидаги раҳбарлар ҳам ҳозир республика аҳолиси, айниқса қишлоқ аҳолиси тушиб қолган қийин аҳволдан чиқиб олишнинг юқорида кўрсатилган қарор туфайли келиб чиқадиган барча ижобий натижаларини яхши англаб олдилар, деб бўлмайди. Қишлоқ аҳолисига томорқа бериш масаласи пировардига етказилиши кераклигини биз неча марталаб таъкидладик.

Шу билан бирга одамларнинг турмуш таъминотини яхшилаш муаммосини ҳал этишнинг бошқа йўлларини ҳам топиш зарур. Бу йўлларнинг кўпи Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган. Аммо бу ишни бир дақиқа ҳам тўхтатмай, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига қўшимча таклифларни ишлаб чиқиш керак.

Лойиҳада партиянинг ижтимоий сиёсати, ҳамма эътироф қилган инсон ҳуқуқлари кафолатлари билан бир қаторда касбини ўзгартиришга мажбур бўлган ёки ишсиз қолган кишиларнинг иш билан таъминланишини кўпайтириш ва моддий аҳволини яхшилаш каби кафолатлар ҳам баён этилган қоидаларни республика меҳнаткашлари маъқулламоқдалар. Сўнгги қоида биз учун айниқса долзарб масаладир. Республиканинг меҳнат ресурслари ёнига ҳар йили 240 минг киши қўшилмоқда. Меҳнатга лаёқатли бўлган 10 миллион аҳолининг ўндан бир қисми иш жойлари йўқлиги сабабли ижтимоий-фойдали меҳнатда қатнашмаяпти.

Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлаб ва ҳақиқатан ишсиз қолган кишиларга моддий мадад бериб турадиган умумиттифоқ механизмини вужудга келтиришга интилиш зарур. Айни вақтда, албатта, ўзимиз ҳам бу муаммоларни тузукроқ ҳал этишимиз лозим. Жойларда шундай ечимлар ҳозирнинг ўзидаёқ топилмоқда. Келинглар, ўйлаб кўрайлик, партия ташкилотлари, меҳнат коллективларида маслаҳатлашайлик, ўз ижтимоий дастурларимизда бу соҳада нималарни қўшимча равишда таклиф қила олишимизни чамалаб кўрайлик.

Ушбу Пленум давомида ва республика Компартиясининг бўлғуси съездида биз Ҳаракат дастурида халқнинг ўзини ўзи социалистик бошқариши тўғрисида, федерациянинг тақдири ҳақида, Советларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш ҳақида айтилган фикрлар хусусида бир тўхтамга келишимиз керак.

Партиянинг сиёсати ҳокимиятнинг бирдан-бир соҳиби бўлмиш халқнинг суверен ҳокимиятини тан олишга асосланганлиги биз учун принципиал муҳимдир. КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурида шундай деб ёзиб қўйилган. Президентликнинг жорий этилиши Совет ҳокимиятининг мана шу бош принципига зид келмайди. Аксинча, партия ва давлатнинг вазифалари фарқлаб қўйилиши муносабати билан Совет ҳокимияти сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилиши, сифат жиҳатдан янги аҳамият касб этиши лозим.

Сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичини турмушга татбиқ этиш вазифаси ҳам шу билан боғлиқ. Сиёсий системанинг янгиланиши Компартия учун қулай шароитда ривожланиб бормоқда, энди демократик сайлов якунлари юзасидан вужудга келган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бутун гуруҳининг 90 фоиздан кўпроғини партиямиз вакиллари ташкил этади. Бу эса бизнинг сиёсатимиз, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий турмушни янгилашнинг коммунистлар белгилаган дастури тегишли қонун ҳужжатларида ва ҳукуматнинг қарорларида рўёбга чиқиши учун яхши шароит яратади.

Бироқ Совет ҳокимиятининг республика ва маҳаллий органларида қатнашувчи ҳар бир коммунист халқ томонидан унга берилган ва ўзи овозга қўйилишга розилик бериш орқали ихтиёрий равишда зиммасига олган ваколатлар учун юксак масъулиятни яхши англаб олган, ҳокимият органларида халқнинг иродасини ифодалаган, қаттиқ туриб ҳимоя қилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Янги сайланган республика Олий Советининг биринчи сессияси эртага очилади. Унинг иши дастлабки кунларданоқ амалий, ижобий тус олиши учун биз ҳамма ишни қилишимиз керак. Одамларнинг сайловдан кўзлаган ва овоз бераётганларида ўйлаган ниятлари ҳамда фикрларини бирлаштириш, бир жойга жамлаш уларни конкрет вазифалар ечимида мужассамлаштириш — бизнинг бевосита бурчимиздир.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурида баён этилган сиёсий программавий қоидаларни рўёбга чиқариш учун партиянинг ўзини чуқур қайта қуриш ва янгилаш энг зарур шартдир. Партия ва давлат органларининг вазифаларини фарқлаб қўйиш, партиянинг барча жараёнларни бевосита бошқарувчи ўзак сифатида давлат системасидан изчиллик билан чиқиши хусусида КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида таърифлаб берилган қоида бу ишнинг энг муҳим таркибий қисмидир. КПССнинг ташаббуси билан халқ депутатлари Съезди СССР Конституциясининг 6, 7, 51-моддаларига ўзгартишлар киритганлиги энди партия ишлайдиган вазиятни тубдан ўзгартиради.

Мана шундай шароитда баъзилар саросимага тушиб, партиянинг янги роли ва янги аҳамиятини тушунмаяптилар. Баъзи партия комитетлари ва уларнинг секретарлари қўлни ювиб, қўлтиққа урдилар, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этиш билан тузукроқ шуғулланмай қўйдилар. Ҳозир бунга, айниқса, йўл қўйиб бўлмайди.

Партиянинг давлатга ҳукмронлик қилиш ваколатларидан воз кечганлиги, унинг ташаббуси билан Конституциянинг тегишли қоидалари ўзгартирилганлиги партия ўзининг раҳнамолик ролини бериб қўйишини асло билдирмайди. Аксинча, гап партияни ўзининг илк вазифасини бажаришга қайтариш ҳақида — жамиятнинг пешқадам сиёсий кучи бўлиши, истиқболдаги тараққиёт йўлини ишлаб чиқиб, халққа таклиф этиши, шу йўлни давлат ва жамоат ташкилотларида қатнашаётган коммунистлар орқали рўёбга чиқаришга интилиши ҳақида бормоқда.

Модомики, республикага татбиқан гапирадиган бўлсак, сайлов якунларини эътиборга олганда, Ўзбекистон Компартияси ижтимоий тараққиётнинг, миллатлараро муносабатларнинг ҳолати учун, иқтисодиётдаги ишларнинг аҳволи учун, гражданларнинг хавфсизлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши учун халқ олдида тўлатўкис жавобгар бўлган ҳукмрон партиянинг ўзидир. Буни ҳар бир партия комитети, область, шаҳар, район партия комитетининг ҳар бир секретари назарда тутиши керак.

СССР Конституциясининг КПССнинг жамиятдаги мавқеини белгилайдиган моддалари ўзгартирилганлиги республика Асосий Қонунининг тегишли моддалари ўз-ўзидан ўзгаришини билдирмайди, албата. Аммо биз эски қоидани ҳам сақлаб қола олмаймиз. Шу муносабат билан биз, чамаси, эртага очиладиган сессиядаёқ Ўзбекистон ССР Конституциясининг партияга тааллуқли моддасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида қонун лойиҳаси таклиф этишимиз зарур бўлади. Бу ўринда гап Ўзбекистон ССР Конституциясининг 6, 7 ва 49-моддалари ҳақида бормоқда. Бу лойиҳада Компартия, бошқа сиёсий ва жамоат ташкилотлари учун ижтимоий-сиёсий турмушда қатнашиш, ўз программавий мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида курашиш учун тенг имкониятларни таъминлайдиган қоидаларни таърифлаб бериш таклиф этилади.

Айни вақтда биз бу ўзгартишлардан кейин жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари сиёсат билан янада кўпроқ шуғулланадиган бўлишларига ҳам тайёр туришимиз лозим. Улардан бир қанчаси, чамаси, ўзларининг сиёсий партиялар тарзида расмийлаштирилишига интиладилар. Бу жараён стихияли тарзда ривожланмаслиги, балки ҳар қандай ҳуқуқий давлатда одат бўлганидек, тегишли ҳуқуқий доираларда ривожланиши лозим. Шу сабабли, афтидан, яқин вақтлардаёқ сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва жамоат ташкилотлари тўғрисида қонун ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиб, қабул этиш керак бўлади. Бу масалаларда ҳам қонун лойиҳалари таклиф этиш ташаббусини республика Компартияси ўз зиммасига олиши тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Ҳаракат дастури лойиҳасидаги партиянинг мавқеи ва ўрни тўғрисидаги масалага принципиал ёндашувлар унинг ташкилий тузилишини, вазифаларини тубдан янгилашни, ички партиявий турмуш барча соҳаларини демократиялашни ҳам талаб қилади. Шунга биноан КПССнинг янги Устави лойиҳаси тайёрланиб, у Марказий Комитет март Пленумининг қарорига биноан ялпи муҳокама учун матбуотда эълон қилинади. Устав нормаларига таклиф этилаётган ўзгартишларнинг асосий маъноси коммунистни партия турмушининг марказига қўйишдан, партиялилар оммасининг сиёсатни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда, партиянинг раҳбар органларини тузишда ва уларнинг фаолиятини назорат қилишда бевосита амалий қатнашувини таъминлашдан иборат.

Айни вақтда лойиҳанинг айрим қоидаларига аниқлик, ибораларда кўпроқ пухталик талаб қилиниши мумкин.

Масалан, демократик централизм қоидаси тўғрисидаги масалани олиб кўрайлик. Кейинги вақтларда партияни танқид қилувчилар, шу жумладан демократик ҳаракат дастури позициясида турган баъзи КПСС аъзолари бу қоидани Уставдан чиқариб ташлаш ва уни «демократик бирлик», «якдиллик» тўғрисидаги қоида билан алмаштириш ва шу каби тезисларни зўр бериб илгари сураётганликлари сир эмас. Озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши тўғрисидаги қоидага айниқса қаттиқ ҳужум қилинмоқда. Ҳатто озчиликка кўпчилик қабул этган қарорларни бажармаслик, мустақил фракцияларга бирлашиш ҳуқуқини бериш ҳам талаб қилинмоқда. Мана шундай шароитда бу қоиданинг таърифи саёзлиги ва унинг Устав лойиҳасида таклиф этилган нормалари бизни қаноатлантира оладими?

Ўзбекистон Компартияси комиссиялари кўпгина аъзоларининг бу хусусдаги фикрларини биз ўрганиб чиқдик, улар ўз мулоҳазаларида мазкур принципнинг демократик имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланишгани йўқ, уни партия турмушининг нормативи асосларидан чиқариб ташлаш эса партиянинг ташкилий бирлигини бўшаштириб юборган бўлур эди, деб ҳисобламоқдалар. Ҳар ҳолда «демократик централизм» хусусидаги дудмал декларациялар билан чекланиб қолмасдан, биз шу тушунчага киритаётган маънони Уставда аниқ белгилаб қўйиш тўғри бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

Республика партия ташкилотларида ҳозирнинг ўзидаёқ бу хусусда муайян нуқтаи назар таркиб топмоқда. Хусусан, коммунистлар партия ҳар бир аъзосининг партия анжуманлари делегатларини ва партия раҳбар органлари аъзоларини сайлашда иштирок этиш ҳуқуқини, шунингдек бошланғич ташкилотларгача партия ташкилотларининг ана шу органларнинг исталган аъзосини чақириб олишни талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг таклифини маъқуллаб кутиб олдилар. Кўпчилик қабул қилган қарорни мажбурий бажариш шарти билан озчиликнинг ўз позициясини асосли ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш масаласига оид таклифлар ҳам қўллаб-қувватланади.

Айни пайтда Марказий Комитетнинг кўпгина аъзолари турли даражалардаги партиявий структуранинг баҳамжиҳат ҳаракат қилиши, юқори партия органларининг қўйи органларга ҳисоб бериб туриш тартиби принциплари Уставда янада аниқравшан белгилаб берилиши зарур, деб ҳисобламоқдалар. Ошкоралик принципи шунчаки баён этиб қолинмасдан, балки ҳар бир коммунистнинг партиянинг барча ишларидан хабардор бўлишини таъминлайдиган конкрет нормалар билан мустаҳкамланиши зарур.

Кейинги вақтда иттифоқдош республикалар Компартиялари ва маҳаллий партия ташкилотларининг муста қиллиги масалалари катта аҳамият касб этди. Лойиҳага асос қилиб олинган нормалар иттифоқдош республикалар компартияларининг янги мақомини мустаҳкамлайди ҳамда КПСС программаси ва устави доирасида уларга реал мустақилликни таъминлаб, ўзларининг программавий ва норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида ташкилий, кадрлар, нашриёт, молиявий масалаларни ҳал этиш, ўз республикалари тараққиётининг турли соҳаларида сиёсий йўлни ўтказиш ҳуқуқини беради.

Устав лойиҳасида КПСС Марказий Комитети Президиуми ва комиссияларининг иттифоқдош республикалар компартияларига тааллуқли принципиал қарорлари уларнинг мухтор вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши, қабул қилинган қарорга қўшилмаган иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитети, низоли масалаларни муҳокама қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Пленумини чақиришни талаб қилишга ҳақли эканлиги ҳам кўзда тутилган.

Бироқ, афтидан, съездимизга ана шу позицияларга оид конкрет таклифларни ҳам ишлаб чиқиш зарур. Масалан, Ўзбекистон Компартияси КПССнинг раҳбар органларида бошқа иттифоқдош республикалар Компартиялари билан тенг ҳуқуқли асосда иш кўриши учун унинг ана шу органлардаги ваколати қандай бўлиши керак? Лойиҳага биноан Компартия КПСС Марказий органларига ўз вакилларини ўз раҳбар органларининг бевосита қарорларига кўра делегат қилмай, балки уларни номзод қилиб кўрсатишга ҳақли эканлиги бизни қониқтирадими? Ниҳоят, биз ўз программавий ва норматив ҳужжатларимизни съездимизда муҳокама қилиш учун тақдим этамизми? Келинглар, ушбу ва бошқа масалаларни аниқлаб олайлик, уларни республика коммунистлари билан биргаликда муҳокама қилайлик.

Шу тариқа, съездолди мунозараси учун асосий масалалар ҳозирдаёқ аниқлаб олинди. Марказий Комитет аъзолари бугун пленумда ана шу масалаларни кўриб чиқиб, партияни ва унинг бевосита жойлардаги сиёсатини янгилашнинг ана шу ва бошқа кўпгина муаммоларини муҳокама қилиш ташкилотчиларига айлансалар тўғри бўлур эди, деб ўйлайман. Область, шаҳар, район партия комитетлари ҳам бу ишда энг кўп даражада ташаббус ва ижодкорлик кўрсатишлари, ҳар бир бошланғич партия ташкилотини умумпартиявий мунозаранинг марказига айлантиришлари зарур. Бунда партия мунозара клубларини ташкил этиш, область, шаҳар ва район газеталарида мунозара саҳифаларини очиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, жамоатчилик фикрини сўраб билишдан кенг фойдаланиш лозим. Бунда асосий вазифа — ҳар бир коммунистни партия тақдири ва уни янгилаш йўллари ҳақидаги ошкора ҳамда манфаатдорлик билан ўтказиладиган мунозарага жалб этишдан иборат. Барча фикр-мулоҳазаларни, жумладан, партиясиз ўртоқларнинг фикр-мулоҳазаларини энг кўп даражада ҳисобга олиш, улар асосида аниқ сиёсий позицияни ишлаб чиқиш керак. Мунозара якунлари район, шаҳар ва область конференцияларида чиқарилади, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида эса мунозарага узил-кесил якун ясалади.

КПСС Марказий Комитети партияда ва жамиятда рўй бераётган жараёнларни англаганлиги, ижтимоий-сиёсий вазиятни ва партиянинг ўзидаги танг ҳолатларни реал ҳисобга олганлиги натижасида партиянинг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини ишлаб чиқди ва умумхалқ муҳокамасига қўйди. Марказий Комитет март Пленумининг навбатдаги XXVIII съездни чақириш муддатини яқинлаштириш тўғрисидаги қарори ҳам айни шунинг натижасидир.

Агар республикадаги вазиятга ана шу позициялардан баҳо берадиган бўлсак, биздаги вазият ҳам ижтимоий ва миллатлараро кескинлик кучайганлигини, жамоатчилик кучларининг ажралишини, кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари саросимага тушиб қолганлигини ва ошкора айтадиган бўлсак, уларнинг обрўйи пасайганлигини кўрсатиб турибди. Айни пайтда, бир қатор регионларда буларнинг ҳаммаси ғоят ўткир тарзда намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездини ўтказиш муддатини ҳам тезлаштириш зарурати сезилмоқда. Марказий Комитет Бюроси съездни шу йил 7 июнда чақиришни таклиф этади.

Бугунги кунда съездимиз олдида қандай вазифалар турганлигини яна бир бор пухта ўйлаб кўриш ва шуни ҳисобга олиб, съезд кун тартибини аниқлаб олиш зарур. Марказий Комитет комиссияларининг кўпгина аъзолари аввалги йилларда одат бўлиб қолган Марказий Комитетнинг ҳисобот докладидан воз кечиш фикрини билдирмоқдалар ҳамда қайта қуришнинг асосий якунлари ва йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакатнинг ҳамда республиканинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва роли тўғрисидаги докладни съезд муҳокамасига қўйишни таклиф этмоқдалар.

Шу билан бир вақтда Марказий Комитет комиссиялари ишининг асосий йўналишларига оид ҳисобот тарзидаги қўшимча докладларни съездда тинглаш таклиф этилади. Мана шу барча таклифлар, сўзсиз, эътиборга лойиқдир. Бугун биз бу таклифларни кўриб чиқишимиз, улардан энг мақбулини қабул қилишимиз даркор.

Агар, ушбу таклифлар қабул қилинадиган бўлса, съезднинг кун тартиби улар ҳисобга олинган ҳолда қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ҳамда республиканинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи тўғрисида.

2. Ўзбекистон Компартияси тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида.

4. КПСС Устави лойиҳаси ҳақида.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини; Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш.

6. КПСС марказий органлари таркибига Ўзбекистон Компартиясидан номзодлар тўғрисида.

Бошқача вариантлар ҳам бўлиши мумкин. Келинглар, уларни муҳокама қилайлик. Жойларда ҳам тегишли партия конференцияларининг кун тартибига зарур ўзгартишлар киритиш тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Биз кун тартибига биноан Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди муҳокамасига қўйиладиган сиёсий ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ жуда кўплаб вазифаларни ҳал этишимиз керак. Энг аввало биз ана шу ҳужжатларнинг моҳиятини аниқлаб олишимиз зарур. Марказий Комитет Бюроси бир қанча партия комитетларида олдиндан муҳокама қилинган ва асосан маъқулланган энг муҳим масалаларга муайян ёндашувларни ишлаб чиқди. Бу масалалар асосан қуйидагилардан иборат.

Биз Марказий Комитетнинг Съезддаги Сиёсий доклади қуйидаги асосий бўлимлардан иборат бўлиши мумкин, деган хулосага келдик:

— қайта қуриш ва социалистик қурилишнинг энг муҳим жабҳаларини янгилашнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий босқичларини таҳлил этиш ва уларга баҳо бериш;

— Ўзбекистон Компартиясида қайта қуришнинг бориши, унинг асосий йўналишлари ва зиддиятлари ҳамда ўтган даврда йўл қўйилган хатолар ва бузилишлар тўғрисида;

— Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети, давлат ҳокимияти, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг янгиланган системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида;

— Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллиги ҳамда республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий муаммолари юзасидан Ўзбекистон Компартиясининг позицияси;

— Ўзбекистон Компартиясининг жамият маънавий тараққиётининг, омма ораси да олиб бориладиган мафкуравий ишларнинг асосий масалаларига оид концепцияси;

— Ўзбекистон Компартиясини янгилаш, унинг мустақиллигини ошириш, партия ички демократиясини ривожлантириш.

Докладнинг биринчи ва иккинчи бўлимларида республика босиб ўтган бутун йўлни тўла ва узил-кесил таҳлил этиб бериш қийин, албатта. Бу жамиятшунос олимлар чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этишлари учун мавзу бўлиши керак. Бироқ биз бу масалалар хусусида гапирмаслигимиз мумкин эмас. Бунинг устига кейинги вақтдаги практика шуни кўрсатиб турибдики, партиянинг муҳолифлари фақат салбий жиҳатларни рўкач қилиб, унинг обрўйига, халқнинг унга бўлган ишончига путур етказиш учун партиянинг у ёки бу ўтмиш ҳодисаларига баҳо беришдан четлаб ўтаётганлигидан фойдаланмоқдалар.

Шунинг учун агар биз фақат энг муҳим муаммоларни, асосий вазифаларни ва уларни илмий ўрганиш йўналишларини аниқлаб, ўз нуқтаи назаримизни баён этсак, тўғри бўлади, деб ўйлайман. Бу нуқтаи назар айни Ўзбекистон Компартияси республика тараққиётининг барча босқичларини принципиал ва узил-кесил тарзда, ошкора таҳлил этиш ҳамда босиб ўтилган йўлнинг ўтган даврига баҳо беришни зарур, деб ҳисоблашидан иборат бўлиши мумкин. Тарихимизда бир фикрга келинмаган ва айтилмай қолган гаплар бўлиши мумкин эмас. Биз қатъиқ туриб ҳимоя қиладиган жиҳатлар ўтмишда муқаррар, қонуний, илғор жиҳатлар бўлганлигини, биз қатъиян воз кечишимиз керак бўлган жиҳатлар хато, халққа қарши бўлганлигини аниқ тасаввур қилиш лозим.

Биз Марказий Комитетнинг XVI ва ундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларида баён этилган сиёсий хулосалар ҳамда йўл-йўриқлар ва айниқса уларни рўёбга чиқаришга оид амалий тадбирларга бугунги кун нуқтаи назаридан бир хил баҳо бериш мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

Ана шу мураккаб ва зиддиятли давр бутунлай хато бўлган эди, деб уни қоралаш сиёсий нуқтаи назардан ҳам, тактик нуқтаи назардан ҳам нотўғри бўлур эди, деган фикрдамиз. Партиянинг ички турмушидаги, республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларидаги салбий ҳолатларни таг-томири билан тугатиш учун қатъий кураш олиб боришга қаратилган йўл оғир бўлсада, аммо ҳаётий зарур бўлган объектив заруратдир деб биламиз. Компартия агар 1984 йилдаёқ мансабдор шахсларнинг порахўрлигига, ошна-оғайнигарчилик ва юртдошликка қараб иш кўришга қарши, кадрлар корпусини соғломлаштириш ва тозалаш учун курашни авж олдирмаганида, у ривожланмаган ва қайта қуришга мутлақо тайёр бўлмаган бўлур эди.

Шу билан бирга туб ўзгаришлар ва қаттиқ кураш тўлқинида дастлаб қўпол жиддий хатоларга, нуқсонларга йўл қўйилдики, бу умуман республика партия ташкилотига, бутун кадрларимизга зарба берди ва бугунги кунда жамиятга зид кучлар Компартияни обрўсизлантириш мақсадида бу камчиликлардан фаол фойдаланмоқдалар.

Покланиш учун олиб борилган мажбурий ва зарурий кураш қўпинча анчагина раҳбар ходимларни ёппасига, асоссиз ва ҳуқуққа зид равишда қоралашга айланди, партия, совет ва хўжалик кадрларининг ҳаммаси нопок деган нотўғри тушунча сунъий равишда вужудга келтирилди. СССР прокуратураси махсус группасининг «пахта иши» деб аталмиш иш юзасидан ҳуқуққа зид назоратсиз хатти-ҳаракатлари, кўплаб ўрта ва қуйи бўғин ходимлари, оддий ижрочилар дучор қилинган асоссиз таъқиблар катта зарар етказди. Баъзи оммавий ахборот воситаларининг салбий жиҳатлар миллий хусусиятга, республика аҳолисининг деярли кенг табақаларига хосдир, деган даъволари жуда катта зарар етказди.

Буларнинг ҳаммаси миллий туйғуларни камситди, кўпгина раҳбарларда ишончсизлик ва ҳимоясизлик ҳиссини туғдирди, партиявий, инсоний биродарлик негизларига путур етказди ва табиийки, республика аҳолиси кенг табақаларининг норозилигига сабаб бўлди.

Бунинг устига мафкуравий ишда ўзбошимчаликка йўл қўйилди, халқ анъаналари, миллий маданият, тарих, дин ёппасига реакцион деб эълон қилиниб, уларни рад қилиш билангина чекланмасдан, уларга қаршилик қилишга, уларни қўпоришга уриниб ҳам кўрилди.

Бунда гап, масалан, халқ хўжалигини бошқаришнинг ёмон ном чиқарган бош схемаси ҳавас қилса арзийдиган даражада зўр сабот билан ишлаб чиқилиб, амалга оширишга киришилганлиги каби жиддий янглишишлар, аниқроғини айтганда жойлардаги ва умуман республикадаги вазиятни бутунлай билмаслик ҳақида бормоқда, бу схеманинг оқибатларини ҳозир ҳам зўр қийинчилик билан тузатишимизга тўғри келаяпти.

Яқиндагина шундай бўлган эди. Ўша даврда покланиш учун бошланган йўл объектив жиҳатдан зарур бўлганлигини таъкидлаш билан бирга съездда бу йўлни турмушга татбиқ этиш вақтида йўл қўйилган бузилишлар ва сохтакорликлардан қатъиян воз кечишимиз ва уларни қоралашимиз, уларга принципиал баҳо беришимиз керак.

Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети масалаларига оид муаммоларни таҳлил этишга ва концепцияларни ишлаб чиқишга зўр масъулият билан ёндашиш зарур. Ўзбекистон Компартияси янгиланган иттифоқ федерациясида республика суверенитетига эришиш тарафдори бўлиб чиқади, деган фикр асосий нуқтаи назар бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Шу муносабат билан биз съездда иттифоқ органларига ихтиёрий равишда қайси ҳуқуқларни беришимиз, қайси ҳуқуқлар республиканинг тўла ва ажралмас ҳуқуқи бўлиб қолиши хусусидаги позицияни аниқ таърифлаб беришимиз лозим. Республика бошқарув бўғинининг тегишли иттифоқ идоралари билан ўзаро муносабатлари қайси тусда бўлиши керак. Советларнинг, улар ижроия идораларининг ҳақиқий тўла ҳокимиятини қандай қилиб таъминлаш, партия органлари уларга буйруқ беришдан, уларнинг ишларига аралашиш ва икир-чикир масалаларда васийлик қилишдан воз кечишларини қандай қилиб таъминласа бўлади. Амалий позицияда турган ва жамиятни янгилашдан астойдил манфаатдор бўлган барча сиёсий ва ижтимоий кучларни амалда жипслаштиришга қандай қилиб эришиш мумкин. Демократия, ошкораликни, халқ оммаси ва ҳар бир конкрет киши ўз ҳоҳиш-иродасини бемалол изҳор этиши қоидаларини қайси сиёсий ташкилотлар ва воситалар орқали рўёбга чиқарса бўлади.

Янгиланган сиёсий системада республика Компартиясининг ўрни ва мавқеи, унинг давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабат принциплари тўғрисидаги масалалар ҳам шунга ёндош масалалардир. Буйруқбозликдан, маъмуриятчиликдан узил-кесил ва қатъиян воз кечиш, ўз сиёсий йўлини халқ депутатлари Советларига, жамоат ташкилотларининг сайлаб қўйилган органларига сайланган коммунистлар орқали демократик асосда амалга ошириш — бу соҳадаги энг муҳим позициядир.

Аммо бунинг учун Советлардаги партия группаларининг фаолиятини ташкил этишга ўз муносабатимизни қайта кўриб чиқиш, уларга эътиборни кучайтириш, уларни принципиал сиёсий масалалар юзасидан жипслаштиришга ҳаракат қилиш керак. Улар билан кўпроқ маслаҳатлашиш, аниқ-равшан муаммолар хусусидаги позицияни ишлаб чиқишда уларга ёрдам бериш лозим. Хуллас, улар ташаббускорлик билан ижодий ишлашлари, тегишли Советларда партия сиёсатини ўтказувчи ишончли кучлар бўлиб қолишлари учун ҳамма ишни қилиш зарур.

Айни вақтда бу нарса олдимизга бир талай жиддий масалаларни қўядики, биз уларни пайсалга солмай, шу бугуноқ амалий равишда ҳал қилишимиз керак.

Бу энг аввало, республика сиёсий системаси тўғрисидаги масалалардир. Биз реал ҳокимият Ўзбекистон Компартиясидан, унинг барча даражалардаги комитетларидан халқ депутатлари

И. А. КАРИМОВ доклади

(Давоми. Бошн биринчи ва иккинчи бетларда).

Бугун тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқарувнинг барча даражаларида ва жабҳаларида ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий қурилишни ҳамда хўжалик юритиш механизмини қайта қуришни тезлаштириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш масаласи, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча давлат муассасаларини назорат этиш ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Келинглар, ушбу масалани янги таркибдаги Олий Советнинг биринчи сессиясида қонун лойиҳаларини таклиф қилишни бошлаш нуқтаи назаридан муҳокама қилайлик.

Сиёсий системани янгилаш масалаларига Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги муаммоларидан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас. Фақат иқтисодий мустақиллик якка тартибда, ажралиш сифатида, қарамақарши қўйиш тарзида бир томонлама белгиланиши мумкин эмаслигини назарда тутиш керак. Бу ҳозир жуда кенг тарқалган катта хатолардан ҳисобланади. Жаҳон амалиёти кўрсатаётганидек, натурал хўжалик, ички маҳдудлик самарали бўла олмайди.

Аксинча, иқтисодий мустақиллик тенг ҳуқуқли ўзаро фойдали асосда интеграцияни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришни кўзда тутади. Бу нарса мамлакат яхлит халқ хўжалиги комплексининг умумий доирасида ҳам, мамлакатимизнинг бошқа регионлари ва хорижий мериклар билан бевосита тенг ҳуқуқли шартномалар йўли билан ҳам амалга оширилади. Бунда ўз манфаатларимизни, регионал афзалликлардан фойдаланишни қатъий ва изчил ҳимоя қилишимиз керак бўлади, албатта.

Бизда бундай мустақиллик учун шарт-шароит бор, лекин бу ҳали аниқ-равшан шарт-шароитларни ва уни амалга ошириш имкониятларини билдирмайди. Аслида аҳволимиз қуйидагича: бугун Ўзбекистон ишлаб чиқариш самарадорлиги даражаси жиҳатидан ҳам, аҳолининг ижтимоий ҳаёт таъминоти кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам мамлакатимизда охирги ўринларнинг бирида туради. Аввал айтиб ўтилганидек, бунинг асосий сабаблари, халқ хўжалиги комплексининг бир томонлама ривожланишида, унинг хом ашё етиштириш йўлидан бораётганлигида, республика ижтимоий соҳасини ривожлантириш, унинг тез ўсиб бораётган аҳолиси турмушини таъминлашга ёндашувда неча ўн йиллар мобайнида «қолдиқ» принципига амал қилиб келинганлигидадир. Шу боисдан биз иқтисодий мустақилликка ўтиш дастлабки шароитларни амалда тенглаштириш юзасидан умумиттифоқ программаларини ишлаб чиқиб, амалга оширилишини талаб қилади, деб ҳисоблаймиз. Бу тайёрга айёрлик йўлини тутиш эмас, балки рўй-рост иқтисодий заруратдир.

Бу масалалар олимлар, мутахассислар, халқ хўжалиги раҳбарларининг кенг доирасида муҳокама қилингач, муаммоларнинг асосий туркуми аниқланди, буларни ҳал этиш республиканинг иқтисодий мустақилликка ўтишига боғлиқ. Биринчидан бу республикада ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулот турларига давлат буюртмалари системасини мақбуллаштириш ва уларнинг нархини ислоҳ қилишдир. Иккинчидан, халқ хўжалиги структураларини тубдан қайта қуриш, хом ашё иқтисодиётидан одамларга зарур тайёр пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, учинчидан, илм-фан ютуқлари жорий этилишини ҳамда кўп меҳнат талаб қиладиган замонавий тармоқлар учун юқори малакали ишчилар ва мутахассисларни, олимларни, ишлаб чиқариш ташкилотчиларини, энг аввало туб миллатга мансуб ёшлардан ишлаб чиқариш ташкилотчиларини ўқитиш ва тайёрлашга доир барча ишларни тубдан ислоҳ қилиш. Бу туркум муаммоларнинг ҳаммасини эса бир нарса — инсон афзаллиги, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топиши учун шарт-шароит яратиш бирлаштириб туради.

Шу туркумларнинг ҳар бирини амалга ошириш йўллари ва воситаларини, уларга мос келадиган иқтисодий омилларни аниқ ишлаб чиқиш зарур. Бугун тафсилотларга берилмай, айни вақтда энг ўткир ва принципиал муаммоларнинг бирига эътиборингизни қаратишни хоҳлардим.

Бу республика пахта комплекси тақдири хусусидаги масаладир. Биз зиёлиларнинг муайян қисми орасида кенг тарқалган пахта етиштириш ҳажмини кескин қисқартиш йўлидан бориш, уни мева-сабзавот ва озуқа экинлари билан амалда тўла қисиб чиқариш тўғрисидаги фикрларга қўшила олмаймиз. Бугунги кунда пахта агросаноат комплексидаги даромаднинг 90 фоизга яқинини бераётганлигини унутмаслик керак. Пахтага ихтисослашишдан воз кечиш иқтисодий мустақилликка эришиш имкониятимизнинг ўзини мушкуллаштиради.

Айни вақтда биз жаҳон амалиётига зид бўлган бундай йўналишлар билан муроса қила олмаймиз. Чунки қишлоқ хўжалик хом ашёси, хусусан пахтанинг нархи ўсиши сунъий равишда тўхтатиб қўйилаётганлиги меҳнатга сарфланаётган аниқ харажатларга анчадан бери тўғри келмайди. Республика раҳбарияти иттифоқ идоралари олдига пахта нархини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кескин қилиб қўйди. Ўтган йили уни териб олиш учун қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилганлиги теримчиларнинг мавсумдаги иш ҳақини 1,5—2 баравар ошириш имконини берди, бу эса кейинги йилларда илк бор шаҳарликлар, талабалар ва ўқувчиларни теримга оммавий тартибда жалб этмасдан амалда қисқа муддатларда яхши ҳосил кўтаришга имкон берди. Лекин бу дастлабки қадамлардир. Пахта ва айни вақтда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларини жаҳон даражасига яқинлаштириш учун қунт билан ҳаракат қилиш зарур, дарвоқе, бу нарса бизнинг бутун иқтисодиётимиз янада холис ва янада асосланган мезон ва омилларга эга бўлишига имкон беради. Ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, сиёсий аҳволни барқарорлаштиришнинг сўзсиз шарти бўлган аҳоли турмуш даражасини оғишмай юксалтириш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

XXII Съездда Ўзбекистон Компартияси мафкуравий ишининг аҳволини ҳар томонлама ва танқидий таҳлил этиш, янги ёндашувларни, ўзгарган ижтимоий-сиёсий вазиятда бу ишларни амалга оширишнинг аниқ моҳиятини белгилаб олиш мўлжалланмоқда.

Бу ўринда Компартия марксизм-ленинизм таълимотининг туб қоидаларини қаттиқ ва изчил ҳимоя қилиш ҳамда уни амалга ошириш ниятида эканлиги унинг асосий моҳиятини ташкил этади. Умуминсоний қадриятларга йўналтирилган янгича сиёсий фикрлаш социалистик идеаллардан, меҳнаткашлар манфаатлари устун бўлишидан воз кечиш, деган маънони билдирмайди. Биз фикрлар хилма-хиллигини қўллаб-қувватлаб, уни соғлом, социалистик мазмун билан тўлдиришга интилиш, муайян кучлар тиқиштираётган хилма-хил ҳаракатларни, кўпинча социализмга путур етказишга қаратилган, жамиятга қарши ҳатти-ҳаракатларни қатъий рад этиш ниятидамиз. Республика коммунистлари қонун доирасида иш кўраётган ҳамда Совет тузуми томонида турган барча ижтимоий кучлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилиш ва улар билан жипслашиш тарафдоридирлар.

Айни вақтда бу эскириб қолган қарашлар ва ғояларни, ўз умрини ўтаб бўлган ёндашувларни, ғоявий-сиёсий ишларнинг шакл ва усулларини сақлаб қолиш керак, деган маънони билдирмайди. Жамиятимиз маънавий турмушида байналмилалчиликка, барча қардош халқларнинг ҳуқуқлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга таяниб, халқнинг миллий, ўзига хос, анъанавий урф-одатларини қайта тиклаш ва ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши лозим ва буни унутмаслик керак.

Ижтимоий фанлар, халқ таълими ва маданияти соҳаларини жиддий қайта қуриш, оммага ғоявий таъсир кўрсатишнинг мазмуни, воситалари ва услубларида туб ўзгаришлар қилиш зарур. Компартия ва унинг органлари ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари билан янгича муносабатда бўлишлари керак.

Ва ниҳоят, биз съездга тайёргарлик чоғида Ўзбекистон Компартиясини янгилаш, партия ички турмушини демократиялаш масалалари юзасидан тутадиган аниқ йўлимизни равшан белгилаб олишимиз керак.

Биринчидан, бошланғич партия ташкилотларининг мавқеи ва обрўсини ошириш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ишлаб чиқиш зарур. Ҳозир баъзи бировлар таклиф этаётганидек, партиянинг асосий бўғинлари меҳнат коллективларидан ситиб чиқарилишига йўл қўймаслик керак. Назаримизда, партиянинг асосий бўғинлари тузилишида территориал-ишлаб чиқариш принципини сақлаб қолиш зарур. Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида партия тузилмаларини тугатиш билан боғлиқ фикрларга ҳам қўшилиб бўлмайди. Айни вақтда партия ташкилотларининг турар-жойлардаги таъсирини мустаҳкамлаш борасида ҳам зарур тадбирлар кўриш лозим. Ҳатто Уставдан ташқари партия ташкилотларини тузиш, иш жойларидаги партия ташкилотлари билан бир қаторда истиқомат жойларида ҳам коммунистларни рўйхатга қўйиш мумкин бўлар. Бу бошланғич ташкилотлар омма орасида боғловчи бўғин, таянч нуқтаси бўлиши мумкин бўлган шарт-шароитдир. Биз худди шулар орқали одамларнинг кайфиятидан, эҳтиёж ва талабларидан, уларнинг партия ўтказаётган сиёсат ҳақидаги фикрларидан ишончли тарзда холис хабардор бўлишимиз, жамоатчилик фикрининг шакланишига фаол таъсир ўтказишимиз керак.

Бошқа томондан эса, худди шу бошланғич партия ташкилотлари сиёсий қарашларни тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларининг асосий марказларига, уларни рўёбга чиқаришнинг коллектив ташкилотчиларига айланиши керак. Одамлар бошланғич партия ташкилотлари уларни тўлқинлантираётган муаммолардан четда турмаётганини, ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишга дадил киришиб, уларни қатъият билан охирига етказаётганини кўришлари лозим.

Иккинчидан, партия комитетлари ишини ташкил этишни жиддий қайта қуриш зарур.

Коллегиал органлар, комиссиялар ва партия комитетлари аъзоларининг фаолияти янги мазмун билан тўлдирилиши керак. Уларни партия органлари учун хос бўлмаган майда-чуйда масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишдан бутунлай халос қилиш даркор. Бутун куч-ғайратни принципиал сиёсий муаммоларга, сиёсий концепцияларни ишлаб чиқишга ва уларни амалга оширишга тадбирларига сарфлаш керак. Уларнинг партия аъзолари билан, Советлардаги партия группалари ҳамда жамоат ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг баҳамжиҳат ишлашларига эришиш зарур.

Биз съездга тайёгарлик чоғида партия аппарати тўғрисидаги масалаларни ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқишимиз, унга қандай вазифалар юклатилишини аниқ белгилашимиз ва унга мувофиқ унинг тузилмалари, штатлари ва унга кетадиган харажатлар тўғрисидаги аниқ-равшан таклифларни тайёрлашимиз лозим.

Учинчидан, биз кадрлар сиёсати масаласидаги қарашларимизни аниқ белгилаб олишимиз лозим. Ҳар қандай шароитда партия комитетлари ва ташкилотлари кадрлар масаласини ҳал этишга, совет, давлат, хўжалик органлари, жамоат ташкилотларидаги асосий лавозимларга ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Гап партияда кадрлар яққа ҳокимлигини сақлаб қолиш, раҳбарларни танлаш ва юқори лавозимларга кўтаришдаги маъмурий ёндашувлар ҳамда ўз ҳукмини ўтказиш ҳақида бораётгани йўқ. Агар демократик омиллар орқали кадрлар сиёсатини ўтказиш имкониятини йўқотсак, унда ташкилий ишларнинг, жамият турмуши барча соҳаларида партиявий таъсирнинг энг асосий омилларининг биридан маҳрум бўлиб қоламиз. Биз бунга қўшила олмаймиз. Боз устига, афсуслар бўлсинким, бизда кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишда маҳаллий, уруғ-аймоқчилик ва қариндош-уруғчиликка афзаллик бериш сақланиб келмоқда. Айрим регионларда баъзан бу хатарли миқёслар ва тенденцияларга айланмоқда.

Шундай қилиб, Компартия бўлажак съезди асосий ҳужжатларининг таклиф этилаётган концепциясидаги асосий қоидалар қисқача таърифи ҳам съездгача қолган даврда нақадар мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга тўғри келишини кўрсатиб турибди. Биз ана шу ишга республика партия ташкилоти бутун интеллектуал имкониятларини жалб этишимиз, улар ёрдамида Ўзбекистон Компартиясини тубдан янгилашга, унинг обрўсини ва оммага таъсирини кучайтиришга амалда кўмаклашадиган сиёсий концепцияларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Афтидан, съездга тақдим этиладиган сиёсий ҳужжатлар учун йўл-йўриқларнинг ҳар бирини тайёрлаш вазифасини Марказий Комитетнинг тегишли комиссиялари ўз зиммаларига олишса, тўғри бўлур эди. Бунда сиёсий концепцияларни ва уларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишга жойлардаги партия фаоллари, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига сайланган делегатлар жалб этилиши принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ана шу ишларнинг барчаси вужудга келган вазиятни чуқур таҳлил этиш, мазкур масалалар юзасидан коммунистлар, жамоатчилик, маҳаллий партия ва совет органларининг, меҳнаткашлар ҳамда аҳоли барча табақаларининг фикрларини ҳар томонлама ўрганиб, инобатга олиш асосида тузилиши керак.

Бу борада қуйи партия ташкилотларида ҳозирнинг ўзидаёқ авж олдириб юборилган съездолди ҳисобот-сайлов кампанияси ниҳоятда муҳим ва принципиал аҳамиятга эгадир. Амалда бу тадбир партиянинг янгиланишида унинг турмуши ва фаолиятидаги ленинча демократик принципларга асосланган бурилиш палласига айланиши керак. Сиёсий ҳаракат программасини коллектив равишда ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Компартияси барча бўғинларида сайлаб қўйиладиган органларга янги кучлар, бир мунча обрўли, янгича фикрлаш ва ҳаракат қилишга қодир коммунистлар келиб қўшилиши учун очилаётган имкониятлардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарур.

Партия гуруҳлари ва цех партия ташкилотлари йиғилишларидан тортиб Ўзбекистон Компартияси съездигача ҳисобот-сайлов кампаниясининг барча босқичларида ҳар бир партия бўғининнинг фаолиятидаги ишларнинг аҳволи, унинг шакл ва методлари талабчанлик ҳамда ўзини-ўзи танқид руҳида таҳлил этилиши таъминланиши керак. Орқага сурувчи барча омилларни таҳлил этиш, кўпгина партия ташкилотларининг обрўси тушиб кетганлиги сабабларини очиб ташлаш, энг муҳими эса — уларни янгилашнинг ҳозирги босқич реалликларига жавоб берадиган йўлларини ишлаб чиқиш зарур.

Ана шу мақсадда бир қанча партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини тайёрлаш ва ўтказиш борасида тўпланган унча катта бўлмаса-да, аммо фойдали тажрибани умумий қоида қилиб олиш лозим. Гап бу ишга республика барча коммунистларининг коллектив ақл идрокини жалб этиш тўғрисида бормоқда. Партиясизлар орасида, оммавий ахборот воситаларида ҳам ҳисобот докладларининг, йиғилиш ва конференциялар қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳалари кенг муҳокама қилиниши керак. Сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг бир қанча ташкилотларда тажрибадан ўтган ҳисоботлари бундан буён ҳам ривожлантирилиши таъминлансин. Марказий Комитет аъзолари ўз фаолияти тўғрисида, айтайлик, ўзлари иштирок этадиган область, шаҳар ва район партия конференцияларида, бошланғич ташкилотлар йиғилишларида ҳисобот берсинлар. Ўйлайманки, бу Марказий Комитет обрўсини анча оширади.

Республика Компартияси барча бўғинларида сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг янги корпусини вужудга келтириш масаласи энг принципиал масалалардан биридир. Партия комитетлари, коммунистлар, Марказий Комитет аъзоларининг фикрларини биз ўрганиб чиқдик. Ҳозирги кунда уларнинг аксарияти ҳар қандай йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳужжатлардан, чекловлардан, партия комитетларини сайлашда мансабига қараб ёндашишдан воз кечиш позициясида қатъий турибдилар, деб аниқ айтишимиз мумкин. Коммунистнинг сиёсий, маънавий фазилатлари, унинг ҳаётий мавқеи, омма орасидаги обрў-эътибори ва қайта қуришни амалга ошириш сиёсатини ўтказиш қобилияти бунда бирдан-бир мезон бўлиши мумкин. КПСС Марказий Комитетигача бўлган барча сайлаб қўйиладиган органларга ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг кимни лозим топса, шуни тавсия этиш ҳуқуқи амалга оширилиши мазкур органларга сайлашнинг мутлақ шарти эканлиги тўғрисидаги таклифга ҳам қўшилмай бўлмайди.

Республика партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг XXVIII Съездга делегатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги таклифи ва Ўзбекистон Компартияси XXII Съездига делегатларни сайлаш ҳақидаги масалалар фаол муҳокама қилинмоқда. Марказий Комитетнинг ташкилий-партиявий ва кадрлар иши комиссияси муҳокамасининг дастлабки якунларини умумлаштириб, бу хусусда таклифларни тайёрлади.

Ўйлайманки, комиссия таклиф этган вариантда область партия конференцияларида съездларга делегатларни сайлаш сайловнинг демократик хусусиятини амалда чекламайди. Биринчидан, битта ёки бир нечта қуйи партия ташилотларида кўрсатилган номзодларнигина муҳокама қилиш мажбурий шарт қилиб қўйилмоқда. Иккинчидан, партия ташкилотлари барча коммунистлар иштирокида шубҳа туғдирган номзодларни четлаштириш реал ҳуқуқига эга бўладилар. Партия ташкилотлари бошқа вариантларни ҳам таклиф этишлари мумкин. Келинг, энг мақбул йўлни танлаб олайлик.

Шу муносабат билан бир принципиал жиҳатни таъкидлаш зарур бўлиб қолди. Делегатларни сайлаш тартиби қандай бўлмасин, унинг натижаларини республика бошланғич партия ташкилотларида ўтадиган жараёнлар белгилаб беради. Айни шу ташкилотлар кейинчалик делегатлар корпусини ҳам, барча бўғинлардаги сайлаб қўйиладиган партия органларини ҳам ташкил этаоладиган чинакам раҳбарларни, сиёсий қарашчиларни аниқлаб, кўрсатиб беришларига тўғри келади. Агар бошланғич ташкилотлардаги коммунистлар ана шу барча масалаларда юксак масъулият кўрсатмасалар, партия анжуманига делегатлар сайлашнинг бирорта ҳам варианти сиртдан нақадар демократик бўлиб кўринмасин, чинакамига иш бермайди.

Бутун съездолди даври фаол мафкуравий иш, Компартия ва унинг барча бўғинларининг оммага таъсир ўтказиш учун кураши, сиёсий концепцияларимиз ва ғояларимизни қўллаб қувватловчи жамоатчилик фикрини шакллантириш даврига айланиши керак.

Республикада айрим партия ташкилотларининг, мафкуравий фаолларнинг бу йўналишдаги ишлари ҳозирги кунда мураккаб ва кескин ижтимоий-сиёсий вазиятга мос эмаслигини ошкора эътироф этиш керак.

Кўпгина камчиликлар сайловолди кампанияси чоғида яққол кўзга ташланиб қолди.

Сиёсий ҳаракат дастуримиз қандай тарғиб этилаётганига назар ташлайлик, агар нарсаларни ўз номи билан атасак, бу иш жуда ёмон ташкил этилган. Залда ўтирганларнинг кўпчилиги Ҳаракат дастури қоидаларини меҳнаткашларга маълум қилиш учун, уларга айнан Компартия ва унинг органларининг маълум мақсадга қаратилган куч-ғайратлари туфайлигина ер участкалари кўпайтирилишида, аҳолининг кам таъминланган табақаларига ижтимоий ёрдамни ташкил этишда, пахтага қўшимча ҳақ белгиланишида реал натижаларга эришилганини, Марказий Комитетнинг мазкур масалалар хусусидаги айни қатъий ва принципиал позицияси кўпгина бюрократик сансалорликни бартараф этишнинг ишончли кафолатига айланганини кўрсатиб бериш учун матбуот минбаридан, бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишганмикан? Одамларга айтадиган гапимиз бор, уларни ишонтириб, ўзимизга эргаштира оламиз.

Афсуски, раҳбар коммунистлар илгаригидек одамларни ташвишлантираётган муаммолар хусусида улар билан кенг мулоқотдан бўйин товлаяптилар, ўткир масалаларга доир мулоқотлардан, очиқ баҳслардан чўчимоқдалар. Ахир бугунги кунда партияда одамлар ишончини қозониш учун, оммага ўз таъсирини мустаҳкамлаш учун кураш хусусида тўпланган тажрибани эгаллаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ-ку.

Республика партия комитетларининг кўпгина секретарлари, бюро аъзолари партиянинг жамиятдаги роли ва уни янгилаш йўллари тўғрисида матбуот саҳифаларида авж олиб кетган мунозаралардан ҳозирча ўзларини четга олиб турибдилар, ўз позициясини айтишга ошиқмаяптилар, кутиб туришни афзал кўрмоқдалар. Шуни рўй-рост айтиш мумкинки, бунда Марказий Комитет секретарлари ва республика ҳукумати раҳбарлари ўрнак кўрсатишмаяпти. Партияга очиқдан-очиқ ҳужумлар, уни жамоатчилик кўз ўнгида обрўсизлантиришга, вазиятни кескинлаштиришга уринишлар тўхтамаётган бир шароитда бундай сусткашлик ўринсизгина эмас, мутлақо хавфли ҳамдир.

Кўпчилигимизнинг кўз олдимизда фожиали Фарғона воқеалари содир бўлди. Уларнинг сабаблари пухта таҳлил этилиб, сиёсий ҳулоса чиқарилди, тегишли баҳо берилди. Бугунги кунда уларни яна такрорлаш зарур бўлмаса керак. Улар сизга яхши маълум.

Гап бошқа нарса ҳақида бормоқда. Кўпгина партия комитетлари, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳотиржамликка берилиб, кўнгилчанглик қилаётганликлари тўғрисида бормоқда. Шундай таассурот ҳосил бўлдики, баъзи бировлар энг қийини ортда қолди, энди ҳамма нарса ўз-ўзидан маромига тушади, деб ўйлашмоқда. Бу хатарли янглишиш. Бўкадаги, Паркентдаги воқеалар буни яна бир бор тасдиқлайди.

Фожиага олиб келаётган ҳаракатлар бир хил андозада амалга оширилаётгани ҳеч кимга сир эмас: варақалар, миш-мишлар тарқатилади, сўнгра ижтимоий-иқтисодий тусдаги саволлар бериладиган митинглар ўтказилади, сўнгра эса месхети туркларини кўчириб юбориш, республика олий ва маҳаллий Советларига сайлов бекор қилиниши тўғрисидаги сиёсий талаблар билан тугайди. Митинглар ташкилотчилари учун энг муҳими нима, деган савол туғилади.

Бугунги кунда митингларга даъват этаётган кишилар халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаётгани ҳаммага маълум бўлиб қолди. Туркларнинг бунга ҳеч бир даҳли йўқ. Бу ўша ташкилотчиларнинг асл мақсади — ҳокимият учун кураш эканлигини ниқоблайди, холос. Фитначи ва экстремистларнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги сафсатабозликдан иборат даъватларини партия ташкилотлари ва Совет ҳокимияти органларининг конкрет ишларига қарама-қарши қўйиш яна ҳам мушкуллашиб бораётган бугунги кунда улар ақл-идрокка эмас, балки ҳиссиётларга умид боғлаб, учига чиққан танқидбозлик томонига ўтиб олмоқдалар.

Биз воқеаларнинг бундай ривожига отиқча тоқат қилолмаймиз. Сафсатабоз экстремистларга асосли зарбанинг йўқлиги — бузғунчи кучларга тўғридан-тўғри кўмаклашиш эканини тушунишимиз керак. Ё биз ўз сафларимизни жипслаштириб, халқнинг бунёдкорлик меҳнатига ҳалақит бераётган, ижтимоий ва маънавий қадриятларимизни поймол этаётган барча кимсаларга қарши ҳужжумкор кураш олиб борамиз, ёки сиёсий турмушда ташаббусни ва пешқадамликни бой берамиз.

Ҳар бир киши ўз оиласи тимсолида ҳаётнинг яхшиланаётганини ҳис қилгандагина одамлар бизга ишониб, ортимиздан эргашишлари шубҳасиздир. Ҳар бир кишининг — деҳқон ва ишчининг, инженер ва хизматчининг, кўп болали она ва боланинг, кекса пенсионер ва студентнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилайдиган манбаларни синчиклаб қидириш ва топиш керак.

Бизнинг сайловолди Ҳаракат дастуримизга айни шундай принцип асос қилиб олинган. Биз эса уни халққа берилган ваъда деб, мажбурият деб билишимиз керак, бунга амал қилмаслик — ор-номус ва ишончни йўқотиш демакдир. Бу эса сиёсий ходим учун ўлим билан баробар.

Дастлабки қадамлар қўйилди. Бу пахтага қўшимча ҳақ тўлаш ва қишлоқ хўжалигининг ана шу ва бошқа маҳсулотлари нархини ошириш соҳасида қатъият билан иш олиб бориш демакдир. Бу қишлоқ меҳнатчиларига шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш ва якка тартибда иморат қуриш учун кенгайтирилган томорқа участкалари ажратиб бериш демакдир. Бу кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногирон ва пенсионерларга ёрдам демакдир. Бу қуйи синфлар ўқувчиларини, бемор ҳомиладор аёлларни бепул овқатлантириш демакдир. Бу ётоқхоналар етишмовчилиги туфайли хусусий квартираларни ижарага олишга мажбур бўлган студентларнинг харажатларини қоплаш демакдир. Бу халқимизга унинг севикли байрами «Наврўз» қайтариб берилганлиги демакдир.

Яқинда республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг тўртинчи бош бошқармасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Биз раҳбар ходимлар учун афзалликлар ва имтиёзлар тўғрисидаги масалани ўз-ўзини танқид руҳида яна бир кўриб чиқдик. Дала ҳовлилардан воз кечиб, уларни оналик ва болаликни муҳофаза қилиш эҳтиёжларига беришга қарор қилинди. Халқ билан бирга яшаб, барча қийинчиликларни баҳам кўриш, ҳамма учун яхши турмушни биргаликда барпо этиш биз учун принципиал аҳамиятга молик масаладир.

Буларнинг ҳаммаси республикадаги вазиятни барқарорлаштиришнинг асосий, ғоят муҳим омилидир. Лекин бир марта хайрли иш қилиб, хотиржам бўлиш мумкин, деб ҳисоблайдиган кишилар янглишадилар. Одамлар тўғрисида ҳар куни ва ҳар соатда ғамхўрлик қилиш зарур.

Ва ниҳоят. Ҳозир биз республика коммунистларидан кимлар КПСС XXVIII съездига делегат бўлишини айта олмаймиз — уларни ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида сайлашади. Лекин партия съездининг ҳар бир делегати ўзича эмас, балки Ўзбекистон Компартиясининг мухтор вакили сифатида бориши ҳозирнинг ўзидаёқ аён. Бу эса биз катта иш олиб бориб, съезд кун тартибига қўйилган принципиал масалалар хусусида ягона сиёсий позицияни ишлаб чиқиш мақсадида коммунистларнинг 660 мингдан ортиқ кишидан иборат отряди фикр ва мулоҳазаларини умумлаштиришимиз керак, деган маънони билдиради. Бу позициянинг шакллантирилиши, уни конкрет ишларда мужассамлаштириш ҳар бир партия ташкилоти, республикамиздаги ҳар бир коммунист съездолди ишининг асосий мазмунига айланиши керак, деган маънони билдиради.

ТАСС баёноти

СССР Президенти ўртоқ М. С. Горбачевнинг «Литва ССР территориясида совет гражданлари ҳуқуқларини таъминлаш, ССР Иттифоқи суверенитетини муҳофаза қилишга доир қўшимча чоралар тўғрисида» шу йил 21 март куни берган Фармони ва СССР ҳукуматининг шу йил 20 март кунидаги Баёнотида берилган топшириқларни бажариб, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг чегара қўшинлари Литва ССР территорияси бўйлаб ўтадиган давлат чегарасида заставаларни ва бошқа бўлинмаларни мустаҳкамладилар. Чегарачилар давлат чегарасидан ўтадиган одамлар ва юкларни текшириш режимини кучайтириш мақсадида божхона муассасаларига ёрдам кўрсатишмоқда. Республика территориясидан совет гражданларининг чет элга чиқиши устидан назорат кучайтирилди. Литвага хорижий гражданларнинг киришини чеклаш тадбирлари кўрилмоқда. Ташкилот ва аҳолидан қурол-яроғларни олиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Тортиб олинган қурол-яроғлар ҳарбий қисмларга сақлаш учун топширилмоқда. Корхоналар, ҳаётий зарур объектлар, Игналин атом электростанцияси муҳофазаси кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Саноат корхоналарининг халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган филиаллари ҳамда цехларини янада ривожлантириш ҳисобига республика аҳолисини иш билан таъминлашни оширишга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланишича, кейинги йилларда иттифоқ қарамоғидаги саноат корхоналарининг, енгил, мебель саноати, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлар корхоналарининг филиалларини айниқса қишлоқ жойларда ривожлантириш бир мунча секинлашиб қолди. Натижада аҳоли зич яшайдиган кўпгина манзилгоҳларда, район марказларида, ортиқча иш кучига эга бўлган колхоз ва совхозларда ҳамон саноат корхоналари ёки уларнинг филиаллари барпо этилгани йўқ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда қўшимча иш ўринлари вужудга келтириш ҳисобига аҳолини иш билан таъминлашни ошириш мақсадида қарор қилди:

1990—1992 йилларда бўшатиб олинаётган ёки фойдаланилмай ётган биноларда 155 та филиал ва цех барпо этиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, «Ўзбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда ишлаб чиқилган таклифлари қабул қилинсин. Корхоналарнинг ўз маблағидан фойдаланиб ва банкларнинг кредитлари ёрдамида жами 11 мингдан ортиқ одам ишлайдиган кичик корхоналар ташкил қилиш кўзда тутилсин.

Ўзбекбирлашув ҳайъати 1990—1995 йиллар учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кооператив саноатини ривожлантиришнинг муфассал режасини тасдиқлаганлиги, шу режада Қорақалпоғистон АССРда ва республика областларида 550 та янги корхона барпо этиш кўзда тутилганлиги инобатга олинсин;

Иттифоқ қарамоғидаги бирлашма ва корхоналар ишлаб турган 43 та филиал ва Фарғона водийси областларида ташкил этилаётган корхоналар, филиаллар ва цехлар билан бир қаторда 1990—1991 йилларда республика областларида корхоналарнинг 11 та филиали ва цехини қўшимча равишда ташкил этишни кўзда тутмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, «Ўзбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекбирлашувга Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда ушбу қарорда кўзда тутилган филиаллар, цехлар ва кичик корхоналар барпо этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ўз вақтида ҳал этишни таъминлаш, унинг бажарилишини мунтазам равишда муҳокама қилиб туриш топширилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига:

1990—1991 йиллар мобайнида автоном республиканинг, областлар ва Тошкент шаҳрининг ишлаб турган ҳамда қурилаётган корхона ва ташкилотлари ҳузурида филиаллар ва цехлар ташкил этиш масаласини ўрганиб, ҳал этиш;

жойлардаги бинолар ва иморатларда ишлаб турган корхоналарнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган филиаллари ва цехларини ташкил этиш учун шу бино ва иморатларни бепул бериш тўғрисидаги масалаларни белгиланган тартибда ҳал этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Госснабига ва унинг область территориал бошқармаларига барпо этилган филиаллар ва цехларда халқ истеъмоли моллари ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, хом ашё ва материалларни тегишли министрлик ва идораларга, бирлашмалар ва корхоналарга ўзларига тақсимланадиган номенклатурада белгиланган тартибга биноан ажратиб бериш тавсия этилди.

Она-Ватан бўйлаб

● **КОМСОМОЛЬСК-АМУР. Комсомольск-Амурдаги сульфат кислотаси заводида саноат оқаволарини чиқариб ташлашга барҳам берилди. Корхонада ёпиқ сув айланиш системаси ишлай бошлади. Бу система сувдан технологик циклда кўп марталаб фойдаланиш, ундаги энг заарли аралашмаларни чиқариб ташлагандан кейингина оқавани шаҳар тозалаш иншоотларига йўналтириш имконини беради. Завод атмосферага заҳарли газлар чиқаришни ҳам икки баравар камайтирди.**

● **ТАРТУ (Эстония ССР). «Эстсельхозтехника»нинг Тарту бўлими устахоналарида модулли омочларнинг дастлабки туркуми тайёрланди. Улар маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи идораларга юборилади ва у ерда хуторлар эгаларига сотилади. Маҳаллий мутахасс

Бугун Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси очилади

ЙЎЛ БОШИДА

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ меҳнаткашлари республика Олий Советининг сессиясини ҳеч қачон ҳозиргидек интиқ бўлиб кутишмаган эди. Бундай анжуманларга бефарқ, эътиборсиз бўлиб қолган омма унга катта қизиқиш билдирмоқда. Худди муз кўчгандай бўлди. Ишчининг тилида ҳам, пахтакору зиёлининг дилида ҳам шу гап, шу мавзу. Унинг очилишини ойнаи жаҳон орқали кўришни режалаштирганлар қанча.

Сайловчилар кўп йиллардан буён илк бор ўз депутатлари фаолиятига манфаатдорлик билан муносабатда бўлаётирлар. Беш ойдан буён давом этиб келаётган сайлов кампанияси даврида жуда кўп нарса кашф қилинди. Номзодлар кўрсатишнинг эркин, демократик асосда амалга оширилганлиги кишиларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтирди. Депутатликка тавсия этилган кишилар билан учрашувлар қизғин фикр алмашувлар, баҳс, мунозаралар билан ўтди. Энг муҳими депутатлик йўлига қадам қўйган кишилар кўпчилик олдида бугунги куннинг энг муҳим масала ва муаммолари ҳақида ўз нуқтаи назарларини гапириб чиқишди, ҳаракат дастурларини баён этдилар, ҳозирги оғир вазиятдан чиқишнинг йўл-йўриқларини излаётганликларини билдирдилар.

Жумҳуриятимизда ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш борасида дадил қадам қўйилди. Номзодлик йўлидаги босқичларда анкета маълумотлари эмас, маънавий қадриятлар эъзозлана бошлади. Кишиларда давлатни бошқаришда дахлдор эканликларига бўлган ишонч кучайди.

Шубҳасиз бизда демократия ҳукмронлиги даври бошланмоқда. Ҳолбуки яқин-яқинларда ҳам фикрлар хилма-хиллиги қораланаётган, ҳатто съезд ва сессияларда қабул қилинадиган қарор ва ҳужжатлар учун якдил қўл кўтариш тавсия этиладиган бир шароитда яшаб турган эдик. Депутатларнинг ўз бурчларига лоқайд, бефарқ муносабатда бўлиши қонуний тус олган эди. Эсимизда. Газетада депутатларнинг наказларни бажармаётганлиги ҳақида берилган мақола учун «халқнинг муносиб вакиллари» эмас, журналистлар қийин қистовга олинганди. Ноўрин чиқиш учун тегишли юқори ташкилотлар олдида жавоб беришимизга тўғри келган эди.

Бугунги жамоатчилик ўз овозига эга бўлиб қолди. Турли масала ва муаммолар хусусида очиқ ва ошкора муносабат билдирилмоқда, мақсад сари интилишдаги қатъият ва изчиллик кучайди. Бундай қарашлар бугунги кун воқелиги бўлиб қолмоқда.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ халқ депутатлари республикамиз учун анча оғир шароитда сессияга тўпландилар. Турғунлик даврининг оғир мероси ҳаммани эзиб турипти. Халқимиз турмушининг ниҳоятда ночор эканлиги ҳаммамизга маълум. Уй-жойлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мактаб ва касалхоналар етишмайди, дўкон ва бозорларда нарх-наво осмонда. 9 миллион аҳолининг жон бошига олаётган даромади кун кечириш учун аранг етиб турибди. Ўлкамизда ҳозир бир миллиондан ортиқ ишсиз бор. Орол фожиасидан ҳаммамиз ташвишдамиз. Атроф муҳит, табиатнинг мувозанатини жойига келтириш керак.

Албатта республика партия ва ҳукумати бу муаммоларни ҳал этиш йўлида қўлидан келган ҳамма ишларни қилянти. Жумҳурият Компартияси сайловлар олдидан меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари жамланган Ҳаракат дастурини амалга оширишга киришилди. Айнан ана шу мақсадда бир қатор тадбирлар ўз ижросини топмоқда. Тобора кўпроқ қарз ва қурилиш материаллари ажратилмоқда. Қариялар ва ногиронлар учун махсус ошхоналар ишлай бошлаганини меҳнаткашлар юрақдан маъқуллаб кутиб олдилар. Бошланғич синфлар ўқувчилари ва касалманд ҳомиладор аёллар қўшимча бепул овқатланиши учун миллионлаб сўм маблағ ажратилмоқда. Интернат уйлар шароитини яхшилаш диққат эътиборда турибди. Колхозларга давлат хариди ҳисобидан касалхоналар ва болалар боғчалари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратиб беришга рухсат этилди.

Айтаверсак халқ дарди , ташвиши билан қилинаётган ва қўл урилаётган ишлар кўп. Гап бу саъйи-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашда, уни охиригача олиб боришда кўмаклашишда қолган. Афсуски айрим гуруҳлар ҳамон бошни қовуштириб муаммоларни ечишга киришиш ўрнига асоссиз талаблар билан чиқиш, шовқин-сурон кўтариб намойишлар қилишга мойиллигича турибди. Иқтисодиётимиздаги танглик, ижтимоий шароитдаги камчиликлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш кайфияти ҳам йўқ эмас. Халқнинг мухтор вакиллари эса ҳар қандай шароитда адолат тарафида туриши, сайловчиларнинг, оддий меҳнаткашларнинг ҳолис, одилона ниятларини идора этиши керак. Бу нарса халқ депутатларининг редакцияга йўллаётган фикр-мулоҳазаларида ҳам бўртиб кўринмоқда.

«Мен, — деб ёзади Бахмал районидаги «Гулбулоқ» совхози сут соғувчиси Муяссар Отақулова, — СССР Халқ депутатларининг съездларида, сессияларда айрим депутатларнинг ҳиссиётларга берилиб, пухта ўйланмаган, шошма-шошарлик билан айтилган таклиф-истакларига, уларнинг съезддек улуғ анжуманда ўзларини тута олмасликларига ҳеч қўшила олмайман. Бўлар-бўлмас таклифлар, олди-қочди гаплар кишиларнинг ғашига тегади, холос. Менимча халқ ишониб сайлаган вакиллар мамлакатнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг осойишталигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш нуқтаи назаридан иш юритишлари лозим. Юзага келган вазиятга холис баҳо бериб, етилган масалаларни босиқлик билан ҳал этиш талаб этилади биздан».

Аҳилликда, ҳамжиҳатликда гап кўп. Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Халқ депутати ўзига берилган ваколатдан юртимиз ободлиги, халқимиз шодлиги, турмушимиз тўкинлиги йўлида фойдаланиши керак. Улар шуғулланса, қилса кўпчиликнинг раҳматини оладиган ишлар кўп. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўла таъминлаш мақсадида махсус программа ишлаб чиқилди. Унга кўра йил сайин кўпроқ кишилар жамоат ишлаб чиқаришига жалб этилиши керак. Кун тартибига қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириб юбориш вазифаси қўйилмоқда. Маҳаллий миллат ёшларидан ишчилар синфи кадрлари инженер-техник ходимлар тайёрлаш масаласини олинг. Экология вазиятини тубдан яхшилаш, одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнаткашларни хилма-хил халқ истеъмоли моллари ва пулли хизмат билан таъминлашни яхшилаш масаласи-чи? Халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, жумҳуриятнинг ишлаб чиқариш, фан-техника, табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланиш каби масалалар ҳам борки, халқ депутатлари уларнинг ечимида ҳал қилувчи куч бўлиб қолади.

Сир эмас. Амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат ҳали керагича натижа бераётгани йўқ. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси секин ўзгармоқда. Аҳолининг даромади турли хил моллар ва хизмат билан етарли қопланмаётир. Редакциямизга келаётган хатларда камёб моллар рўйхати камаймаётгани, савдо, хизмат соҳаларидаги тартибсизликлар, харидорлар ҳақидан уриб қолиш кайфияти кучли эканлиги куйиниб баён этилади. Бу нарса сессия кун тартибига қўйилган жумҳуриятнинг иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш йўналишлари синчковлик, ишбилармонлик билан муҳокама қилинмоғи, унда халқ депутатлари фаол қатнашмоқлари ақл қаймоғини бермоқлари кераклигини кўрсатмоқда.

Шуни унутмаслик керакки демократия анархия ва ўзбошимчалик эмас. Интизом, уюшқоқлик, масъулиятгина барчанинг ва ҳар бир кишининг турмуши амалда яхшиланишига йўл очади. Юксак мақсадларга ҳаракатларнинг бирлиги ва мувофиқлиги, ҳар биримизнинг қайта қуришни ҳимоя қилишдаги қатъятимиз, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг осойишталиги ва барқарорлиги асосидагина эришиш мумкин.

Бугунги очиладиган сессияда республика сиёсий ҳаётининг энг муҳим масалалари кўриб чиқилади. Ўзбекистон ССР ҳукумати ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари тузилади. Жумҳурият ҳукуматининг яқин беш йилга мўлжалланган фаолият программасини, жумҳуриятни иқтисодий мустақилликка ўтказиш бўйича ишларнинг асосий йўналишларини кўриб чиқиб, тасдиқлаш ҳам унинг тасарруфидадир. Уларнинг амалга оширилиши жумҳуриятда қайта қуриш ва тубдан янгиланишда қал қилувчи омил бўлмоғи керак. Демак халқ депутати учун билдирилган юксак ишонча муносиб бўлиш ҳам фарз, ҳам қарздир. Токи у сессияда айтилган ҳар бир сўз халқ номидан, сайловчилар измидан келиб чиқиб айтилаётганини унутмасин. Халқ ишонади, аммо керак бўлганда талаб қилишни ҳам билади. Шу ўринда Ўзбекистон ССР халқ депутати, Термиз районидаги Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси Хайринисо Қиличева ёзган мактубдаги ушбу мулоҳазани келтириш ўринли бўлар: «Сессия қатнашчиларига қарата шундай демоқчиман. Депутатлар юксак минбардан туриб нимаики десак шу муаммоларнинг ҳал қилиниши учун аввало фаол курашчи бўлайлик. Шунда биз жумҳуриятимизда қайта қуришни илгарилаш учун муносиб ҳисса қўшган бўламиз».

Чинакам халқ депутатлари масъуллигида бошланаётган ушбу сессия баҳорнинг файзли кунларида ўтмоқда. Дарахтлар гулдан маржон тақяпти, халқимиз куни кеча Наврўз байрамини зўр шодиёна билан нишонлади. Баҳор янгиланиш, ўзгариш фаслидир. Мана шундай улуғ айёмда одимни йўл бошидан бошлаётган сессия ишига муваффақият тилаймиз. Сизларга оқ йўл халқ депутатлари.

С. МУҲИДДИНОВ.

ДОҲИЙ ҚАДАМЖОЛАРИДА

Қува районидаги «Социализм» колхози аъзолари Р. Тошболтаев, С. Маҳмудова, Н. Саидазимова, М. Ирисбоева, Ф. Умрзоқовлар дўсту ёрларига ўз таассуротларини ҳали-ҳануз айтиб тугатганларича йўқ.

Улар бир ой муқаддам колхоз правлениеси, партия ва касаба союз ташкилотлари ташаббуси билан илғор колхозчиларга берилган йўлланма туфайли инқилоб бешиги — Ленинград шаҳрида бўлиб қайтишди. Шаҳардаги меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассомчилик санъати сайёҳларни ҳайратга солди.

Айниқса, Октябрь жарчиси — «Аврора» крейсери, Шалаш қишлоғидаги Ленин чайласида очилган музейлар, жаҳонга машҳур Эрмитаж шаҳар меҳмонларида катта таассурот қолдирди. Инқилобнинг тарихий ҳужжатлари, доҳий ҳаёти ва ижодига оид бой картиналар, қўҳна обидалар ленинградликларнинг турмуш тарзи кўзгуси эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Районда илғор ишчи ва меҳнатчиларнинг мамлакатимизнинг турли тарихий шаҳар ва ўлкаларига ана шундай саёҳатлари давом этмоқда.

Д. МАМАДАЛИЕВА,
Қува районидаги А. Қаҳҳор номли 39-ўрта мактаб ўқувчиси.

ЧИННИСОЗЛАР

Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тобора харидоргир бўлиб бораётир. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва цехларда янги ускуналар ўрнатиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ишлаб чиқариш участкаларида хорижий мамлакатларда тайёрланган ускуналарнинг ўрнатилиши туфайли маҳсулот миқдори янада ошади. Бир йил давомида чинни буюмларини ишлаб чиқариш 24 миллион донадан 40 миллион донага етказилади. Маҳсулотнинг ярми янгиланади. Сифатли, арзон сервизлар, албатта харидорларга қувонч бағишлайди.

Бу суратлар Тошкент чинни заводида олинган. 1. Мавлуда Жўраева (ўнгда) ва Хумайра Тўлаганова янги линияда ишлашни тезда ўрганиб олишди. 2. Корхонада «Рус оҳанглари» номли сервиз ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда.

О. ЖУРАВЛЕВА олган суратлар (ЎзТАГ).

Дўстлар бўлса жамул-жам...

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА НАВРЎЗ ДЎСТЛИК, ЭЗГУЛИК, САНЪАТ ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИ.

ҚЎШНИ Тошовўз вилоятининг Тахта, Хоразмнинг Қўшкўпир ноҳияларини туташтириб турувчи кўприкни кўрганмисиз? Дарвоқе, у ўзбек ва туркман халқларининг дўстлик, қардошлик алоқалари рамзи сифатида тилга олинади. Шу ўринда ўтган йил август ойидаги бир тадбирни эслаш жоиздир. Ўшанда бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов ва Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ниёзов бошлиқ икки қардош жумҳурият вакиллари учрашган эдилар. Кўприкдан бошланган учрашув Тахта ноҳияси тупроғида давом этди. Тошовузликлар ўзбек дўстларига ўзлари эришган иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларидаги ютуқларини кўрсатишди. Тошовуз ноҳиясидаги Чкалов номли колхозда янги ўзбек мактаби ўша учрашув онлари очилди. Ҳозир бу ерда 500 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Шуниси диқатга моликкки, билим масканида ҳозир тошовузликлар билан бирга қўшни Хоразм вилоятининг Шовот ноҳиясидан келган болалар ҳам таҳсил кўришяпти.

Наврўз куни кўприкда хоразмликлар туркманистонлик биродарларини яна нонтуз, куй-соз билан кутиб олишди. «Иттифоқ» колхозида ўтказилган сайлда ўзбек ва туркман халқларининг куй-қўшиқлари янгради, қадимий ва замонавий урф-одатларга монанд ранг-баранг ўйинлар, мусобақалар ўтказилди. Унда Тахта ноҳиясидаги Куйбишев номли колхоз аҳолиси ҳам фаол иштирок этди.

Наврўз — бу эзгу ишларни режалаш, боғ-роғлар яратиш, ҳашарлар ўтказиш дегани ҳамдир. Қўшкўпирда шу куни бу удумга янгича ёндашилди. Охунбобоев номли ва «Иттифоқ» колхозларида вилоят Совети келажакда бир-бирига ёндаш посёлка бунёд этишга қарор қилди. Уни барпо этишда миллий меъморчилик анъаналаридан самарали фойдаланилади, кўчалар халқнинг суюкли фарзандлари номлари билан аталади. Вилоят партия комитетининг биринчи котибаси, вилоят Советининг раиси Р. Худойберганова, Тошовуз вилояти партия комитетининг биринчи секретари А. Хўжақовлар «Дўстлик» посёлкаси бунёд этиладиган жойга дастлабки белгини қўйишди. Посёлкада яшовчи аҳолини иш билан таъминлаш йўлида ҳам қилинажак ишлар белгилаб олинди. Шулардан бири консерва заводи қурилишидир. Корхона барпо этиладиган жойга илк белгини «Совет Ўзбекистони» газетаси муҳаррири Р. Раҳмонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати М. Қўшжонов қўйдилар. Келажакда унинг ёнида 800 ишчи ўринга эга момиқ фабрикаси ҳам бунёд этилади.

... Бир сўз билан айтганда, Наврўз Хоразмда катта шодиёналарга айланиб кетди. Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир хонадонда у зўр тантана билан нишонланди.

Халқим, баҳор айёминг,
Бўлсин такрор ва такрор.
Жамул-жамки
дўстларинг
Пешонангда бахтинг бор.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Мактаб ўқувчиларининг таътил кунлари бу сафар Наврўзи олам қувончларига қўшилиб кетди.

— Мактабларда нишонланган Наврўз шодиёналарида ўқувчилар фаол иштирок этишди, — дейди Куйбишев район халқ таълими бўлими мудири М. Рабинович. — Мактаб ҳовлилари, йўлкалар, спорт майдончалари тартибга келтирилди, довдарахтлар экилди, гулзорлар барпо этилди. Райондаги 36 мактабда нишонланган Наврўз тантаналарида минглаб ўқувчилар қатори уларнинг ота-оналари, жамоат вакиллари, маҳалла аҳли намояндалари иштирок этдилар. Ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчиларининг чиқишлари, ўқувчилар ўз қўллари билан яратган турли буюмлардан иборат кўрикларнинг ташкил этилиши, миллий таомлар ва пиширириқлардан иборат тўкин дастурхонларнинг ёзилиши байрамга файзи-тароват бахш этди.

Т. УНАБОЕВ.

СОАТ МИЛЛАРИ СУРИЛМАЙДИ

25 март куни мамлакатимизда ёзги вақтга ўтилганида Ўзбекистонда соат милларн бир соат олдинга сурилмайдиган бўлди.

ЎзТАГ мухбири республиканинг бир қанча тармоқлари раҳбарларига: республиканинг ёзги вақтга ўтмаслиги муносабати билан қўшимча муаммолар пайдо бўлмайдими, деган савол билан мурожаат қилди.

СССР Давлат стандартлар комитети Ўзбекистон республика бошқармасининг бошлиғи С. АСРИЯНЦ:

— Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, «Ўзбекэнерго» бирлашмаси ва бошқа ташкилотларнинг материалларига, шунингдек меҳнаткашларнинг хатларига эга бўлган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, СССР Давлат стандартлар комитетининг республика бошқармаси Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссиясига мурожаат қилиб, ундан республикамизда ёзги вақтга ўтилиши бекор этилишини илтимос қилди. Шундай қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё областларида вақт Москва вақтига нисбатан энди атиги бир соат фарқ қилишини эсда тутиш зарур. Республикамизнинг бошқа минтақаларида бу фарқ икки соатни ташкил этади.

Айни вақтда жаҳондаги элликка яқин давлат ёзги вақтдан фойдаланаётганлигини таъкидлаш лозим. Бинобарин, биз ҳам куннинг ёруғ вақтидан янада самарали фойдаланишимизга имкон берадиган ҳар томонлама ва чуқур тадқиқотларни давом эттиришимиз, вақт ўрнатишнинг энг мақбул тартибини ҳолисона танлашимиз зарур.

«Ўзбекэнерго» бош инженери Л. ТЕПИКИН:

— Кейинги вақтда Ўзбекистонда электр истеъмоли таҳлили шуни кўрсамоқдаки, соат милларининг бир соат олдинга суриб қўйилиши электр энергиясини амалда тежаш имкониятини беради. Демак, ёзги вақтга ўтиш тарафдорларининг электр энергияси тежалади, деган асосий важлари бекор бўлади.

Ўзбекистон ССР Давлат санитария бош врачи Т. ИСКАНДАРОВ:

— Бизнинг шароитда ёзги вақтга ўтиш беморлар, қариялар ва болаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатди. Ёзда республикамизда соат 22 да ҳам ҳали ҳаммаёқ ёруғ ва иссиқ бўлади. Болалар кеч ётиб, уйқуга тўймайдилар, болалар боғчалари ва мактаблардаги режимга мослашишлари қийин бўлади. Вақтни атиги бир соат суриш катталарга ҳам таъсир этмоқда. Ахир инсон танасининг зўриқиши муайян даражада шу нарса билан боғлиқдир.

Урта Осиё темир йўли пассажир ташиш хизмати бошлиғи Ғ. ЗАҲРИДДИНОВ:

— Москвадаги вақт билан уч соат фарқ қиладиган республикамиз минтақаларида энди икки соатлик фарқ бўлади. Шунга асосланиб, поездлар ҳаракати жадвалига тузатишлар киритилди. Масалан, «Тошкент—Москва» поезди 25 мартдан ёзги вақт тамом бўлгунича Москва вақти билан соат 4 дан 45 минут ўтганда ёки маҳаллий вақт билан 6 дан 45 минут ўтганда жадвалга мувофиқ йўлга чиқади.

Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радио эшиттиришлар комитети раисининг биринчи ўринбосари В. АРХАНГЕЛЬСКИЙ:

— Биз ўз жадвалимизни Марказий телевидение эшиттиришлари жадвалига мувофиқлаштирдик. Энди «Время» кўрсатувини соат 20 дан 30 минут ўтганда кўриш мумкин бўлади, «Ахборот» эса маҳаллий вақт билан соат 22 га кўчирилади. Ўзбекистон телевиденнесининг иккинчи программаси кўрсатувларини Марказий телевидение, Тожикистон ва Қирғизистон телевидениелари кўрсатувларига мувофиқлаштириш мақсадида уларни бир соат олдин бошлаймиз. Бутуниттифоқ радиосининг асосий эшиттиришларига нисбатан ҳам аниқ тадбирлар кўрилди.

ЭКСТРАСЕНСЛАР УЮШМАСИНИНГ ТАЪСИС СЪЕЗДИ

23 март куни Тошкентда СССР Экстрасенслар уюшмасининг биринчи таъсис съезди очилди. Унда Москва, Ленинград, Новосибирск, Рига, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган мингдан ортиқ олим ва мутахассис қатнашмоқда.

Муҳокама қилиш учун экстрасенсшуносликнинг амалий фанлар билан ҳамкорлиги, унинг амалий табобат билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш муаммолари киритилди.

— Экстрасенслар уюшмасини таъсис этиш фикри муаммолари Бутуниттифоқ «Биоинфорэнерго—89» илмий конференцияси ўтказилаётган вақтда пайдо бўлган эди, — деди Табиатда энергия ахбороти алмашиш муаммолари Бутуниттифоқ комитетининг раиси, СССР Медицина Фанлари академиясининг академиги В. П. Казначеев. — Барча экстрасенслар куч-гайратини бирлаштириш, олимлар, шифокорлар, биологлар, халқ хўжалиги турли соҳалари мутахассисларини улар билан ҳамжиҳатлик қилишга жалб этишга қарор қилинган эди.

(ЎзТАГ).

Хроника

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Анатолий Федорович Змиевский бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитетининг раиси лавозимидан озод қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Эркин Турсунов Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг биринчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раиси лавозимидан озод қилди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

• Реклама ва эълонлар • Реклама ва эълонлар • Реклама ва эълонлар

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЎЙЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 13 апрелгача;
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 18 майгача;
— КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 24 майгача;
— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 7 сентябргача.
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли бинолар бўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

НУКУС ШАҲРИДА — ҚҚАССР республика марказига;

РАЙОНЛАРДА — ишга жойлаштириш бюроларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

27, 28 март соат 19.30 да

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

КОНЦЕРТИ

Программани — Ўткир Сиддиқов олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 апрель соат 17 ва 20 да

ЁШЛАР КУЙЛАЙДИ ВА КУЛДИРАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«КАМОЛОТ-89» конкурсининг ғолиби

ОХУН МАМАДАЛИЕВ

«КАМОЛОТ-89» конкурсининг иштирокчиси

МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ

«ҚИЗИҚЧИ-89» конкурсининг ғолиби

ОБИД АСОМОВ

Саҳналаштирувчи режиссер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза мукофотининг совриндори АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.

Телефонлар: 45-93-63, 44-18-12.

Тошкент автомобиль йўллари институтининг партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари институт ректори, профессор С. П. Пўлатовга отаси

Разахон МАҲАМАТЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Андижон филиалининг таниқли селекционер — олими

Музаффар АЗИЗОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР нозирлар кенгаши ҳузуридаги Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ) фотохроника бўлими мудири

Шавкат ТУРАБЕКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Санъатшунослик институти жамоаси катта илмий ходим М. Т. Тўлахўжаевага отаси

Туроб ТУЛАннинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р.— 04161. № 70. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12